

“REGISTERED”

by the Central Bank of
the Republic of Uzbekistan
“18” april 2025
No. 84



N.N. Saydullayev, the First Deputy Chairman of the Central Bank
of the Republic of Uzbekistan

Н.Н. Сайдуллаев, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки
раисининг биринчи ўринбосари

“APPROVED”

by the Resolution
of the Sole shareholder
of JSC “POYTAKHT BANK”
No.1 as of 31 December, 2024



F.A. Vakhobov, the Chairman of the Supervisory Board of the Bank
Ф.А. Вахабов, Банк Кузатув кенгаши раиси

Ўзбекистон Республикаси
Марказий банки томонидан
2025 йил «18» апрел
84 - сон билан
«РЎЙХАТГА ОЛИНГАН»

«ПОЙТАХТ БАНК» АЖ
Ягона акциядорининг
2024 йил 31 декабргаги
1-сонли Қарори билан
«ТАСДИҚЛАНГАН»

THE CHARTER OF THE JOINT-STOCK COMPANY “POYTAKHT BANK” (NEW EDITION)
«ПОЙТАХТ БАНК» АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИНИНГ УСТАВИ (ЯНГИ ТАХРИРДА)

I. GENERAL PROVISIONS

1. The Joint-Stock Company "POYTAKHT BANK" (hereinafter referred to as "the Bank") is a credit organization established in accordance with the Resolution of the President of the Republic of Uzbekistan No. PP-2824 dated March 13, 2017, "On Additional Measures for Comprehensive Construction of Comfortable Multi-Apartment Housing in the City of Tashkent for 2017-2021".

2. The Bank was established in the form of a joint-stock company, is a part of the banking system of the Republic of Uzbekistan and carries out its operations in accordance with the Constitution of the Republic of Uzbekistan, the Laws of the Republic of Uzbekistan "On Banks and Banking Activities", "On the Central Bank of the Republic of Uzbekistan", "On Joint-Stock Companies and Protection of Shareholders' Rights", "On the Securities Market", other legislative acts of the Republic of Uzbekistan and this Charter.

3. The corporate name of the Bank is as follows:

Corporate name of the Bank in Uzbek (Cyrillic):

Full name: **"ПОЙТАХТ БАНК" акциядорлик жамияти**

Abbreviated name: **"ПОЙТАХТ БАНК" АЖ**

Corporate name of the Bank in Uzbek (Latin):

Full name: **"POYTAXT BANK" aksiyadorlik jamiyati**

Abbreviated name: **"POYTAXT BANK" AJ**

Corporate name of the Bank in Russian:

Full name: **Акционерное общество "ПОЙТАХТ БАНК"**

Abbreviated name: **АО "ПОЙТАХТ БАНК"**

Corporate name of the Bank in English:

Full name: **The Joint-Stock Company "POYTAKHT BANK"**

Abbreviated name: **JSC "POYTAKHT BANK"**

The Bank has the absolute right to use its corporate name.

I. УМУМИЙ ҚОНДАЛАР

1. «ПОЙТАХТ БАНК» акциядорлик жамияти (кейинги ўринларда "Банк" деб юритилади) кредит ташкилоти бўлиб, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 13 мартдаги ПҚ-2824 сонли "Тошкент шаҳрида 2017-2021 йилларда кенг камровли кулай кўп квартирали уй-жойларни куришга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қарорига асосан ташкил этилган.

2. Банк акциядорлик жамияти шаклида ташкил этилиб, Ўзбекистон Республикасининг банк тизимига киради ва ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига, "Банклар ва банк фаолияти тўғрисида"ги, "Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида"ги, "Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги, "Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида"ги қонунларига, Ўзбекистон Республикасининг бошқа қонун ҳужжатларига ҳамда мазкур Уставга мувофиқ олиб боради.

3. Банкнинг фирма номи қуйидагича номланади:

Банкнинг ўзбек тилидаги фирма номи (кирилл алифбосида):

- тўлиқ номи – **"ПОЙТАХТ БАНК" акциядорлик жамияти**

- қисқартирилган номи – **"ПОЙТАХТ БАНК" АЖ**

Банкнинг ўзбек тилидаги фирма номи (лотин алифбосида):

- тўлиқ номи – **"POYTAXT BANK" aksiyadorlik jamiyati**

- қисқартирилган номи – **"POYTAXT BANK" AJ**

Банкнинг рус тилидаги фирма номи:

- тўлиқ номи – **Акционерное общество "ПОЙТАХТ БАНК"**

- қисқартирилган номи – **АО "ПОЙТАХТ БАНК"**

Банкнинг инглиз тилидаги фирма номи:

- тўлиқ номи – **The Joint-Stock Company "POYTAKHT BANK"**

- қисқартирилган номи – **JSC "POYTAKHT BANK"**

Банк ўз фирма номидан мутлақ фойдаланиш ҳуқуқига эга.

2. LEGAL STATUS AND LOCATION (POSTAL ADDRESS) OF THE BANK

4. In accordance with the legislation of the Republic of Uzbekistan, the Bank is considered as a legal entity, owns a separate property accounted for on its independent balance sheet, can acquire and exercise property and personal non-property rights in its own name, assume obligations and act as a plaintiff or defendant in court.
5. The Bank has the right to have a round seal containing its full corporate name in the state language and indicating its location. The corporate name can be indicated in any other language in the seal.
6. The Bank is entitled to have stamps and letterheads with its name, its own emblem and other means of identification (logo and others).
7. The Bank is liable for its obligations with all the property it owns.
8. Shareholders are not liable for the obligations of the Bank and bear the risk of losses related to its activities exclusively within the limits of the value of their shares.
9. Shareholders who have not paid in full for their shares are held liable on joint and several basis liable for the obligations of the Bank within the limits of unpaid portion of the value of their shares.
10. The Bank is not held liable for the obligations of its shareholders.
11. The state and its authorities are not held liable for the obligations of the Bank, nor is the Bank liable for the obligations of the state and its authorities, unless the Bank or the state itself assumes such obligations.
12. The Bank ensures equal treatment of all its shareholders, regardless of their shares, income level, gender, race, religion, nationality, language, origin, personal or social status.
13. The Bank acquires the status of a legal entity from the date of its state registration with the Central Bank of the Republic of Uzbekistan (hereinafter referred to as "the Central Bank") and conducts its

2. БАНКНИНГ ЮРИДИК МАҚОМИ, ЖОЙЛАШГАН ЖОИИ (ПОЧТА МАНЗИЛИ)

4. Банк Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига асосан юридик шахс ҳисобланади, ўзининг мустақил балансида ҳисобга олинадиган алоҳида мол-мулкига эга, ўз номидан мулкӣ ва шахсий номулкий ҳуқуқларни олиши ҳамда амалга ошириши, зиммасига мажбуриятлар олиши, судда даъвогар ва жавобгар бўлиши мумкин.
5. Банк ўзининг фирма номи давлат тилида тўлиқ ёзилган ҳамда жойлашган ери кўрсатилган юмалоқ муҳрга эга бўлишга ҳақли. Муҳрда бир вақтнинг ўзида фирманинг номи бошқа исталган тилда ҳам кўрсатилиши мумкин.
6. Банк ўзининг номи ёзилган штамп ва бланкаларга, ўз тимсолига, ҳамда хизматларнинг хусусий аломатларини акс эттирувчи (логотип ва бошқа) воситаларга эга бўлишга ҳақли.
7. Банк ўз мажбуриятлари юзасидан ўзига тегишли барча мол-мулк билан жавобгар бўлади.
8. Акциядорлар Банкнинг мажбуриятлари юзасидан жавобгар бўлмайдилар ва унинг фаолияти билан боғлиқ зарарлар ўрнини ўзларига тегишли акциялар қиймати доирасида қоплаш таваккалчилигини ўз зиммасига оладилар.
9. Акциялар ҳақини тўлиқ тўламаган акциядорлар Банк мажбуриятлари юзасидан ўзларига тегишли акциялар қийматининг тўланмаган қисми доирасида солидар жавобгар бўладилар.
10. Банк ўз акциядорларининг мажбуриятлари юзасидан жавобгар бўлмайди.
11. Давлат ва унинг органлари Банкнинг мажбуриятлари юзасидан жавобгар бўлмайди, худди шунингдек Банк ҳам давлат ва унинг органлари мажбуриятлари юзасидан жавобгар бўлмайди, бундан Банкнинг ёки давлатнинг ўзи бундай мажбуриятларни зиммасига олиш ҳоллари мустасно.
12. Банк барча акциядорларига нисбатан уларнинг улушлари, даромад даражаси, жинси, ирқи, дини, миллати, тили, ижтимоий келиб чиқиши, шахси ва ижтимоий мавқеидан қатъий назар тенг муносабатни таъминлайди.
13. Банк Ўзбекистон Республикаси Марказий банкида (кейинги ўринларда "Марказий банк" деб юритилади) давлат рўйхатига олинган пайтдан эътиборан юридик шахс мақомига эга бўлади ва ўз фаолиятини Марказий банк

activities based on the license issued by the Central Bank. The Bank is established for an unlimited period.

14. In its activities, the Bank is guided by the legislation of the Republic of Uzbekistan and this Charter.

15. The location of the Bank (postal address): **55 Islam Karimov Street, Tashkent, 100063, the Republic of Uzbekistan.**

16. E-mail address of the Bank: **info@poytaxtbank.uz**

17. The official website of the Bank: **www.poytaxtbank.uz**

3. BANK BRANCHES AND REPRESENTATIVE OFFICES, PROCEDURE FOR THEIR ESTABLISHMENT

18. A branch of the Bank is a separate subdivision of the Bank that is not a legal entity, conducts banking activities on behalf of the Bank and operates within the authority granted to it by the Bank.

19. The Bank, upon notifying the Central Bank, has the right to establish branches, open representative offices, and banking service offices within the territory of the Republic of Uzbekistan, and grant them authority in accordance with the procedure and scope prescribed by the legislation and this Charter.

20. With the permission of the Central Bank, the Bank has the right to open subsidiary banks, establish branches and open representative offices outside the Republic of Uzbekistan.

21. The Bank is not allowed to engage in activities prohibited or restricted for banks under the requirements of applicable legislation.

22. A branch of the Bank is provided with assets by the Bank. The name of the branch must entirely correspond to the name of the Bank.

23. Banking service offices, branches, and representative offices of the Bank are not legal entities. They operate based on the license issued to the Bank and under the power of attorney granted by the Bank.

24. A branch of the Bank shall be established and liquidated in accordance with the decision of the Supervisory Board of the Bank and shall carry out its activities on the basis of the license granted to the

томонидан берилган банк фаолиятини амалга ошириш асосида лицензия асосида амалга оширади. Банк фаолият кўрсатиш муддати чекланмаган ҳолда ташкил этилади.

14. Банк ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларига, шунингдек мазкур Уставга амал қилади.

15. Банкнинг жойлашган ери (почта манзили): **100063, Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳри, Ислом Каримов кўчаси, 55-уй.**

16. Банкнинг электрон почта манзили: **info@poytaxtbank.uz**

17. Банкнинг расмий веб-сайти: www.poytaxtbank.uz

3. БАНК ФИЛИАЛЛАРИ ВА ВАКОЛАТХОНАЛАРИ, УЛАРНИНГ ТАШКИЛ ЭТИШ ТАРТИБИ

18. Банк филиали Банкнинг юридик шахс бўлмаган, Банк номидан Банк фаолиятини амалга оширувчи ва Банк томонидан ўзига берилган ваколатлар доирасида ҳаракат қилувчи алоҳида бўлинмасидир.

19. Банк Марказий банкни хабардор қилган ҳолда Ўзбекистон Республикасида филиаллар ташкил этиши, ваколатхоналар ва банк хизматлари офислари очиши мумкин ҳамда уларга қонун ҳужжатлари ва мазкур Уставда белгиланган доирада ва тартибда ваколатлар бериши мумкин.

20. Банк Марказий банкнинг рухсатномаси билан Ўзбекистон Республикасидан ташқарида шўъба банклар очиши ва филиаллар ташкил этиши, ваколатхоналар очиши мумкин.

21. Банк амалдаги қонунчилик талабларига асосан банклар учун таъқиқланган ёки чекланган фаолиятлар билан шуғулланишга ҳақли эмас.

22. Банк филиали Банк томонидан мол-мулк билан таъминланади. Филиал номи Банк номига тўлиқ мос келиши керак.

23. Банкнинг банк хизматлари офислари, филиаллари ва ваколатхоналари юридик шахс ҳисобланмайди. Улар ўз фаолиятини Банк томонидан берилган ишончнома доирасида Банкка берилган лицензия асосида амалга оширади.

24. Банк филиали банкнинг Кузатув кенгаши қарорига мувофиқ очилади ва тугатилади ҳамда ўз фаолиятини банкка берилган лицензия ва банкнинг Кузатув кенгаши томонидан тасдиқланган филиал тўғрисидаги низом асосида

Bank and the Regulation on the branch approved by the Management Board of the Bank.

Banking service offices shall be established and liquidated in accordance with the decision of the Management Board of the Bank and shall operate on the basis of the license granted to the Bank and the model regulation approved by the Management Board of the Bank.

4. THE OPERATIONS OF THE BANK

25. The fundamental objective of the Bank, in its capacity as a universal financial institution, is to render a wide array of superior-quality banking services, aligned with advanced international standards and best practices, to legal entities and individuals across all sectors of the economy, with the ultimate aim of ensuring sustainable profitability.

26. The Bank is authorized to engage in the following financial operations:

- attracting funds in the form of deposits;
- making payments, including without opening bank accounts;
- opening and maintaining bank accounts for individuals and legal entities, including correspondent bank accounts;
- extending loans under conditions of repayment, interest payment, and maturity on its own behalf using both own and borrowed funds;
- foreign exchange operations in cash and non-cash forms;
- trust management of property under an agreement concluded with an individual and legal entity;
- providing cash collection and cash services;
- issuing guarantees and assuming other obligations on behalf of third parties, ensuring the fulfillment of their commitments;
- acquisition from third parties of the right to demand execution of obligations in monetary form (factoring);

Банк хизматлари офислари Банк бошқарувининг қарорига мувофиқ очилади ва тугатилади ҳамда ўз фаолиятини банкка берилган лицензия ва Банк бошқаруви томонидан тасдиқланган намунавий низом асосида амалга оширади.

4. БАНКНИНГ ОПЕРАЦИЯЛАРИ

25. Банк фаолиятининг асосий мақсади - универсал банк сифатида иқтисодиётнинг барча соҳаларида фаолият юритувчи юридик ва жисмоний шахсларга илғор тажрибаларга таянган ҳолда кенг кўламдаги сифатли банк хизматларини кўрсатиш ва фойда олишдан иборат.

26. Банк амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ қуйидаги молиявий операцияларни амалга ошириши мумкин:

- пул маблағларини омонатларга (депозитларга) жалб этиш;
- тўловларни амалга ошириш, шу жумладан банк ҳисобварақларини очмасдан амалга ошириш;
- жисмоний ва юридик шахсларнинг банк ҳисобварақларини, шу жумладан банкларнинг вакиллик ҳисобварақларини очиш ҳамда юритиш;
- кредитларни уларнинг қайтарилиши, фоизлилиги ва муддатлилиги шарти билан ўз номидан ўзининг маблағлари ҳамда жалб этилган маблағлар ҳисобидан бериш;
- чет эл валютаси билан нақд ва нақдсиз шакллардаги операциялар;
- жисмоний ёки юридик шахс билан тузилган шартнома бўйича мол-мулкни ишончли бошқариш;
- инкассация ва касса хизматларини кўрсатиш;
- учинчи шахслар номидан уларнинг мажбуриятлари бажарилишини назарда тутувчи кафолатлар бериш ва бошқа мажбуриятларни қабул қилиш;
- учинчи шахслардан пул шаклидаги мажбуриятларнинг бажарилишини талаб қилиш ҳукукини олиш (факторинг);

issuance, purchase, sale, accounting and safekeeping or management of securities under an agreement with a customer, other transactions with securities;

- purchase and sale of refined precious metals, including the maintenance of safe custody of metals and depersonalized (non-physical) metal accounts;
- purchase and sale of coins from precious metals;
- transactions with derivative financial instruments;

- renting of special premises or safes located therein for storing documents or valuables;

- leasing;

- issuance of loans in the forms stipulated by law;

- provision of consulting services related to financial transactions;

- asset portfolio management;

- issuing, using and redeeming electronic money;

- issuing bank cards and processing payments, providing card services in cooperation with other organizations, including financial institutions.

27. The Bank engages in other financial operations and provides banking services in compliance with the legislation governing banking activities. The Bank is not allowed to carry out financial operations not specified in the license issued by the Central Bank of the Republic of Uzbekistan which grants the right to carry out banking activity.

28. The Bank has no right to be directly involved in production, trade and insurance activities, except for cases stipulated by statutory acts governing banking activities.

This restriction does not apply to the following cases:

- sale or lease of specialized equipment and its software, used in non-cash payment systems based on bank cards;

юритиш ва уларни сақлаш, миждоз билан тузилган шартномага биноан қимматли қогозларни бошқариш, улар билан бошқа операцияларни бажариш;

- аффинланган қимматбаҳо металллар сотиб олиш ва сотиш, шу жумладан металлларни масъул сақлаш ҳисобварақларини ҳамда металлларнинг эгасизлантирилган (жисмоний бўлмаган) ҳисобварақларини юритиш;

- қимматбаҳо металллардан ясалган тангаларни сотиб олиш ва сотиш;

- ҳосилавий молия воситалари (деривативлар) билан операцияларни амалга ошириш;

- ҳужжатларни ёки қимматликларни сақлаш учун махсус биноларни ёки уларнинг ичидаги сейфларни ижарага бериш;

- лизинг бериш;

- қонун ҳужжатларида назарда тутилган шаклларда қарзлар бериш;

- молиявий операциялар билан боғлиқ маслаҳат хизматлари кўрсатиш;

- активлар мажмуини (портфелини) бошқариш;

- электрон пулларни чиқариш, улардан фойдаланиш ва тўлаш;

- банк карталарини бериш ва тўловларга ишлов бериш, банк карталарига бошқа ташкилотлар, жумладан бошқа молия институтлари билан биргаликда хизмат кўрсатиш.

27. Банк банклар ва банк фаолиятини тартибга солувчи қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа молиявий операцияларни амалга оширади ҳамда банк хизматларини кўрсатади.

Банк Марказий банк томонидан берилган банк фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқини берувчи лицензияда кўрсатилмаган молиявий операцияларни амалга оширишга ҳақли эмас.

28. Банк бевосита ишлаб чиқариш, савдо, суғурта фаолияти ҳамда банклар ва банк фаолияти тўғрисидаги қонунчиликда назарда тутилган молиявий операцияларни амалга ошириш билан боғлиқ бўлмаган бошқа фаолият билан шуғулланишга ҳақли эмас.

Ушбу чеклов қуйидаги ҳолларга нисбатан татбиқ этилмайди:

- банк карталари асосида нақд пулсиз ҳисоб-китоблар тизимларида фойдаланиладиган ихтисослаштирилган ускуна ва унга доир дастурий

- sale of own assets;
- issuing, selling and distributing checkbooks;
- arranging conclusion of insurance contract on behalf of insurance companies – residents of the Republic of Uzbekistan;

- leasing of their own property to legal entities in which the Bank is the founder in compliance with the property lease (rental) agreement.

29. The Bank is prohibited from establishing legal entities and/or acquiring shares or equity interests in the charter capital of legal entities, except in the following cases:

- legal entities engaged in professional credit, insurance, and leasing operations;
- legal entities that are part of the financial market infrastructure or provide banks with information and consulting services;
- legal entities engaged in professional activities in the securities market;
- subsidiary organizations of the Bank established abroad for the purpose of issuing and placing securities guaranteed by the Bank;

- legal entities exclusively engaged in cash collection services;
- legal entities providing services to facilitate interactions between participants in settlements related to banking operations, including transactions involving bank cards;
- stock and currency exchanges;
- credit bureaus;
- joint-stock companies in the secondary securities market, with a holding of no more than twenty percent of the issued shares listed on a stock exchange.

30. In this case the Bank's acquisition of shares or equity interests in the charter capital of a single legal entity shall not exceed fifteen percent of the Bank's Tier 1 regulatory capital. This limitation also

- ўз активларини сотишга;

- чек дафтарчаларини чиқариш, реализация қилиш ва тарқатишга;

- сугурта ташкилотлари бўлган Ўзбекистон Республикаси резидентлари номидан сугурта шартномаси тузилишини ташкил этиш бўйича фаолиятни амалга оширишга;

- банк ўзи муассис бўлган юридик шахсларга ўз мол-мулкини мулкый ижара (аренда) шартномасига мувофиқ ижарага беришга.

29. Банк юридик шахсларни ташкил этиш ва (ёки) юридик шахсларнинг устав капиталларидаги улушларни ёки акцияларни олишга ҳақли эмас, бундан қуйидагилар мустасно:

- кредит, суғурта ва лизинг операцияларини профессионал асосда амалга оширувчи юридик шахслар;

- молия бозори инфратузилмасининг бир қисми бўлган ёки банкларга ахборот ва маслаҳат хизматларини кўрсатувчи юридик шахслар;

- қимматли қоғозлар бозорида профессионал фаолиятни амалга оширувчи юридик шахслар;

- банкнинг кафолати остида қимматли қоғозларни чиқариш ва жойлаштириш мақсадида мазкур банкнинг хорижда ташкил этиладиган шуъба ташкилотлари;

- факат инкассация фаолияти билан шуғулланувчи юридик шахслар;

- банк операциялари бўйича ҳисоб-китоблар, шу жумладан банк карталари билан операцияларга доир ҳисоб-китоблар иштирокчилари ўртасида ўзаро боғлиқлигини таъминлаш бўйича хизматлар кўрсатувчи юридик шахслар;

- фонд ва валюта биржалари;

- кредит бюrolари;

- қимматли қоғозларнинг иккиламчи бозорига жойлаштирилган акцияларнинг йигирма фоизидан ортиқ бўлмаган миқдорда фонд биржаси листингига киритилган акциядорлик жамиятлари.

30. Бунда Банк томонидан бир юридик шахснинг устав капиталидаги улушларини ёки акцияларини олиш банкнинг биринчи даражали регулятив капиталининг ўн беш фоизидан ошмаслиги керак. Ушбу чеклов банк

charter capital of such legal entities, including in instances of their establishment.

31. The Bank's execution of transactions involving securities, as well as the acquisition of shares or equity interests in the charter capital of legal entities, shall not, in aggregate, exceed fifty percent of the Bank's Tier 1 regulatory capital.

32. In the event that the Bank's ownership of shares or equity interests in the charter capital of legal entities exceeds the thresholds established in Clauses 30 and 31 of this Charter, the Bank shall be obligated to dispose of the excess portion within one year.

33. The Bank is strictly prohibited from participating in the charter capital of any legal entity that holds one percent or more of the charter capital of the Bank.

34. These requirements shall not apply in instances where the Bank acquires shares of another bank, other securities held by another bank, or shares or equity interests in the charter capital of legal entities owned by another bank, in the course of a reorganization conducted in the form of a merger or acquisition.

35. The Bank's branches are prohibited from engaging in any activities unrelated to the performance of all types of banking operations stipulated by this Charter, except in cases provided for by applicable legislation.

36. All banking operations are executed in strict compliance with the provisions of applicable legislation, the prudential economic standards prescribed by the Central Bank, and the internal regulatory documents of the Bank.

5. RIGHTS AND OBLIGATIONS OF THE BANK

37. The Bank exercises independence in decision-making related to the execution of financial operations.

38. The Bank is vested with the following rights:

акцияларига эгаллик қилишга, шу жумладан мазкур юридик шахсларнинг ташкил этилиши ҳолларига нисбатан ҳам татбиқ этилади.

31. Банк томонидан қимматли қоғозлар билан битимларни амалга ошириш, юридик шахсларнинг устав капиталидаги улушларини ёки акцияларини сотиб олиш йиғиндиси банкнинг биринчи даражали регулятив капиталининг эллик фоизидан ошмаслиги керак.

32. Агар Банк томонидан юридик шахслар устав капиталидаги улушларига ёки акцияларига эгаллик қилиш мазкур Уставнинг 30 ва 31 бандларида кўрсатилган миқдордан ортиқ бўлса, ушбу ортган қисмни банк бир йил ичида сотиши шарт.

33. Банк устав капиталининг бир ёки ундан ортиқ фоизига эгаллик қилувчи юридик шахснинг устав капиталида иштирок этиш тақиқланади.

34. Ушбу талаблар Банк томонидан бошқа банкнинг акцияларини ёки ўзга банк сақловчиси бўлган бошқа қимматли қоғозларни ёхуд ўзга банкка тегишли юридик шахслар устав капиталидаги улушларни ёки акцияларни улар томонидан қўшиб юбориш ёки қўшиб олиш шаклида қайта ташкил этиш амалга оширилаётганда олиш ҳолларига нисбатан татбиқ этилмайди.

35. Банкнинг филиаллари мазкур Уставда белгиланган барча турдаги банк операцияларни амалга ошириш билан боғлиқ бўлмаган бошқа фаолият билан шуғулланишга ҳақли эмас, қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

36. Барча банк операциялари амалдаги қонунчилик, Марказий банк томонидан белгиланган пруденциал иқтисодий нормативлар ва Банкнинг ички қоидалари талабларига риоя қилинган ҳолда амалга оширилади.

5. БАНКНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

37. Банк молиявий операцияларни амалга ошириш билан боғлиқ қарорлар қабул қилишда мустақилдир.

38. Банк қуйидаги ҳуқуқларга эга:

as the amount of fees for banking operations, in strict compliance with applicable legislation;

- to engage in foreign economic activities in the manner prescribed by law;

- to independently determine interest rates and terms for deposits and loans, as well as the amount of fees for other banking services provided to clients, taking into account market conditions and agreements with depositors and borrowers;

- to open branches and other separate subdivisions, as well as banking service centers within the Republic of Uzbekistan, and establish subsidiary banks, branches, and representative offices abroad in accordance with the law;

- to attract funds from domestic and foreign legal entities and individuals on a contractual basis in the form of deposits, loans, and investments and to allocate these funds, subject to compliance with international sanctions imposed by relevant organizations;

- to conduct settlements through established settlement centers and representative accounts;

- to create reserves and funds derived from net profits remaining at the Bank's disposal following the payment of all taxes and mandatory contributions;

- in accordance with legal acts, the establishment of legal entities and (or) the acquisition of shares or stocks in the authorized funds (charter capitals) of legal entities;

- to decide on the issuance of unsecured loans (trust-based loans) in the manner and under the conditions established by law;

- to execute transactions and enter into commercial agreements with other economic entities necessary for conducting its financial and economic activities, provided such activities are not prohibited by law;

хужжатлари асосан банк операциялари асосида воситачилик ҳақи миқдорини мустақил белгилаш;

- белгиланган тартибда ташқи иқтисодий фаолиятни амалга ошириш;

- омонатчилар ва қарз олувчилар билан келишувга мувофиқ бозор конъюктурасини ҳисобга олган ҳолда депозитлар ва бериладиган кредитлар бўйича фоиз ставкаларини ва шартларини, мижозларга кўрсатиладиган бошқа банк хизматлари бўйича воситачилик ҳақи миқдорини мустақил белгилаш;

- қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси ҳудудида филиаллар ва бошқа алоҳида бўлинмалар, банк хизматлари офислари очиш, шунингдек, унинг ташқарисида шўъба банклар, филиаллар ва ваколатхоналар ташкил этиш;

- шартнома асосида депозитлар, қарзлар, инвестициялар шаклида маҳаллий ҳамда хорижий юридик ва жисмоний шахсларнинг маблағларини жалб қилиш ва уларни жойлаштириш, бунда халқаро ташкилотлар томонидан қўлланилган санкциялар инобатга олинади;

- ташкил этиладиган ҳисоб-китоб марказлари ва вакиллик ҳисобварақлари орқали ҳисоб-китобларни амалга ошириш;

- барча солиқлар ва мажбурий тўловлар тўлангандан кейин Банк тасарруфида қоладиган соф фойда ҳисобидан захиралар ва фондлар ташкил этиш;

- қонун ҳужжатларига мувофиқ юридик шахсларни ташкил этиш ва (ёки) юридик шахсларнинг устав фондларидаги (устав капиталларидаги) улушларни ёки акцияларни олиш;

- қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда таъминланмаган кредит (ишончга асосланган кредит) бериш тўғрисида қарор қабул қилиш;

- ўз молия-хўжалик фаолиятини юритиш учун зарур бўлган қонунчиликда тақиқланмаган битимлар ва бошқа хўжалик субъектлари билан хўжалик шартномаларини тузиш;

to plan and organize its operations, financial, and commercial activities and establish the system and amount of employee remuneration independently;

- to request reports, financial statements, and other documentation from legal entities and small and private enterprises receiving credit, confirming their solvency and the adequacy of security for the loans provided;

- to outsource certain services and operations, upon obtaining prior authorization from the Central Bank, in accordance with the requirements established by the Central Bank;

- to engage in sponsorship and charitable activities.

39. The Bank is obligated to:

- comply with prudential requirements established by the Central Bank;

- fulfill mandatory reserve requirements set by the Central Bank;

- adhere to risk management and internal control requirements established by the Central Bank;

- create provisions for unexpected losses (to cover losses) from credit and leasing operations in the manner and amounts determined by the Central Bank;

- ensure the security and return of entrusted savings upon the depositor's first request;

- establish internal procedures for ensuring the security of loans provided, including sufficient collateral (such as property), guarantees, sureties, and obligations;

- develop credit, investment, dividend, issuance, and other policies, as well as internal regulatory documents for conducting banking operations, based on applicable banking laws;

- disclose information about its activities in the manner prescribed by law;

- ensure the existence of an internal audit function within the Bank;

- pay taxes and other mandatory payments;

режалантирини ва ташкил этини, банк ҳодимларига иш хаёи тизими ва миқдорини муътақил белгилан;

- кредит ажратилаётган юридик шахс ҳамда кичик ва хусусий тадбиркорлик субъектларидан ҳисоботлар, баланслар ва уларнинг тўлов қобилиятини, шунингдек берилган кредитлар таъминланганлигини тасдиқловчи ҳужжатларни олиш;

- Банк Марказий банкнинг рухсатномаси олинганидан кейин хизматлар ва операцияларнинг айрим турларини Марказий банк томонидан белгиланган талабларга мувофиқ аутсорсингга топшириш ҳуқуқига эга;

- ҳомийлик ва хайрия фаолиятини амалга ошириш.

39. Банк қуйидагиларга мажбурдир:

- Марказий банк томонидан ўрнатилган пруденциал нормативларга риоя этиш;

- Марказий банк томонидан белгиланган мажбурий захиралаш талабларини бажариш;

- Марказий банк томонидан белгиланган ички назоратга ҳамда таваккалчиликларни бошқариш тизимига доир талабларга риоя этиш;

- кредит ва лизинг операциялари бўйича эҳтимолий йўқотишларга қарши (зарарларни қоплаш учун) Марказий банк томонидан белгиланган тартибда ва миқдорларда захиралар ташкил этиш;

- Банкка ишониб топширилган омонат маблағларининг сақланишини, уларни омонатчининг биринчи талабидаёқ қайтарилишини таъминлаш;

- гаровнинг (шу жумладан мол-мулк шаклидаги), бериладиган кафолатлар, кафилликлар ва мажбуриятларнинг етарлилигини ҳисобга оладиган ҳамда бериладиган кредитлар таъминланишининг ички тартибини белгилаш;

- амалдаги банк қонунчилиги асосида кредит, инвестиция, дивиденд, эмиссия ва бошқа сиёсатларни, банк операцияларини амалга оширишга доир бошқа ички қоидаларни ишлаб чиқиш;

- ўз фаолияти тўғрисидаги ахборотни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ошкор этиш;

- банкда ички аудит хизматининг мавжудлигини таъминлаш;

- солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлаш;

- submit reports to relevant government authorities in the prescribed manner and within the specified deadlines;

- comply with legislation on countering the legalization of proceeds from criminal activities, the financing of terrorism and the financing of the proliferation of weapons of mass destruction;

- ensure the confidentiality of information regarding client transactions, accounts, and deposits, as well as other information constituting banking secrecy, in accordance with the law. Information constituting banking secrecy may be provided to the client (or their representative), an authorized representative of the client, and other persons in the manner prescribed by law.

6. THE CHARTER CAPITAL OF THE BANK

40. The charter capital of the Bank is formed in the national currency and comprised of funds contributed by the founders and shareholders of the Bank or government securities, with the exception of the following cases:

- placement of Bank's shares among its creditors and payment for such shares by offsetting any rights (claims) against the monetary obligations of the Bank owed to such creditors;
- conversion of securities into shares of the Bank;
- exchange of the outstanding shares of the Bank of one type for shares of another type.

41. The funds received under a loan, against a pledge, or other funds encumbered with obligation are not allowed to be used in the formation of the charter capital.

42. The charter capital of the Bank amounts to 100,000,000,000 (one hundred billion) sums and is divided into 100,000,000 (one hundred million) ordinary shares with a nominal value of 1,000 (one thousand) sum each.

43. The number of announced shares the Bank is authorized to issue for the purpose of increasing the charter capital, in addition to the placed shares, constitutes 400,000,000 (four hundred million)

муддатларида тақдим этиш;

- жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни, ва оммавий киргин кулолини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашни тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларига риоя этиш;

- ўз мижозлари ва вакилларининг операциялари, ҳисобварақлари ҳамда омонатларига доир маълумотларни, шунингдек банк сирини ташкил этувчи бошқа маълумотларни қонун ҳужжатларида ўрнатилган тартибда сир сақлаш мажбуриятини олади. Банк сирини ташкил этувчи маълумотлар мижознинг (вакилнинг) ўзига, мижоз томонидан ваколат берилган вакилга ва қонунчиликда белгиланган тартибда бошқа шахсларга берилади.

6. БАНК УСТАВ КАПИТАЛИ

40. Банкнинг устав капитали Ўзбекистон Республикаси миллий валютасида шакллантирилади ҳамда Банк муассислари ва акциядорлари киритган пул маблағларидан ёки давлатнинг қимматли қоғозларидан ташкил топади, бундан қуйидаги ҳоллар мустасно:

- Банк акцияларини Банкнинг кредиторлари орасида жойлаштириш ва Банкнинг кредиторлар олдидаги пул мажбуриятлари бўйича ҳар қандай ҳуқуқларини (талабларини) ҳисобга олиш йўли билан уларнинг ҳақини тўлаш;
- қимматли қоғозларни Банк акцияларига айирбошлаш;
- Банкнинг жойлаштирилган бир турдаги акцияларини ушбу банкнинг бошқа турдаги акцияларига алмаштириш.

41. Банкнинг устав капиталини шакллантириш учун кредитга, гаровга олинган маблағлардан, шунингдек мажбурият юклатилган бошқа маблағлардан фойдаланишга йўл қўйилмайди.

42. Банкнинг устав капитали миқдори 100 000 000 000 (юз миллиард) сўмни ташкил қилади ва ҳар бирининг номинал қиймати 1 000 (бир минг) сўм бўлган 100 000 000 (юз миллион) дона оддий акцияларга бўлинган.

43. Банк устав капиталини ошириш мақсадида жойлаштирилган акцияларига қўшимча равишда чиқариши мумкин бўлган эълон қилинган акцияларнинг миқдори номинал қиймати 1000 сўм жами 400 000 000 000 (тўрт юз миллиард)

registered ordinary shares, each with a nominal value of 1,000 sums, amounting to a total of 400,000,000,000 (four hundred billion) sums.

44. The charter capital of the Bank determines the minimum size of the Bank's assets, which guarantee the interests of its creditors.

7. PROCEDURE FOR INCREASING THE CHARTER CAPITAL OF THE BANK

45. The charter capital of the Bank may be increased through the placement of additional shares.
46. The placement of additional shares by the Bank shall be permissible solely within the limits of the number of announced shares specified in the provisions of this Charter.
47. A resolution to increase the charter capital of the Bank through the placement of additional shares and to amend the Charter accordingly shall be adopted by the Supervisory Board of the Bank.
48. The increase in the charter capital of the Bank shall be registered at the nominal value of the additional shares placed. Simultaneously, the number of announced shares of the respective types, as specified in the Charter, shall be reduced by the number of additional shares of those types placed.
49. The decision to increase the charter capital of the Bank is taken when the resolution to issue additional shares is adopted by the relevant governing body of the Bank.
50. The number of additional ordinary shares to be placed and the terms and conditions of their placement shall be determined in the resolution to increase the charter capital of the Bank through the issuance of additional shares.
51. The Bank is entitled to conduct a public offering of its shares through open subscription, subject to the requirements of applicable legislation.
52. The Bank is entitled to conduct private placement of its shares through closed subscription, except in cases where such private placement is restricted by applicable legislation.

акциялардан иборат.

44. Банкнинг устав капитали Банк мол-мулкнинг Банк кредиторлари манфаатларини кафолатлайдиган энг кам миқдорини белгилайди.

7. БАНК УСТАВ КАПИТАЛИНИ КЎПАЙТИРИШ ТАРТИБИ

45. Банкнинг устав капитали қўшимча акцияларни жойлаштириш йўли билан кўпайтирилиши мумкин.
46. Қўшимча акциялар фақат мазкур Уставда белгиланган, эълон қилинган акцияларнинг сони доирасидагина Банк томонидан жойлаштирилиши мумкин.
47. Банк устав капиталини қўшимча акцияларни жойлаштириш йўли билан кўпайтириш тўғрисидаги ва Банк Уставига тегишли ўзгартиришлар киритиш ҳақидаги қарор Банк Кузатув кенгаши томонидан қабул қилинади.
48. Банк устав капиталини кўпайтириш жойлаштирилган қўшимча акцияларнинг номинал қиймати миқдорида рўйхатдан ўтказилади. Бунда Банк Уставада кўрсатилган, эълон қилинган муайян турдаги акцияларнинг сони ушбу турдаги жойлаштирилган қўшимча акцияларнинг сонига камайтирилиши керак.
49. Банкнинг тегишли бошқарув органи томонидан қабул қилинган қўшимча акцияларни чиқариш тўғрисидаги қарор Банкнинг устав капиталини кўпайтириш тўғрисидаги қарордир.
50. Банкнинг устав капиталини қўшимча акцияларни жойлаштириш йўли билан кўпайтириш тўғрисидаги қарорда жойлаштириладиган қўшимча оддий акцияларнинг сони, уларни жойлаштириш муддатлари ва шартлари белгиланган бўлиши керак.
51. Банк ўзи чиқараётган акцияларга уларни оммавий жойлаштириш йўли билан қонун ҳужжатлари талабларини ҳисобга олган ҳолда очик обуна ўтказишга ҳақли.
52. Банк ўзи чиқараётган акцияларга уларни хусусий жойлаштириш йўли билан ёпиқ обуна ўтказишга ҳақли, ёпиқ обуна ўтказиш имконияти қонун ҳужжатларида чеклаб қўйилган ҳоллар бундан мустасно.

53. The Bank can increase its charter capital by attracting investments, using its own funds, or through capitalization of accrued dividends in strict compliance with the procedures established by applicable legislation.

54. If the Bank increases its charter capital by using its own funds, additional shares shall be distributed among all shareholders. In this case, each shareholder shall be allocated shares of the same type as those already held by them, in proportion to their existing holdings. It is not allowed to increase the charter capital of the Bank in a manner that does not ensure compliance with the ratio between the amount of the increase and the nominal value of a single share.

8. PROCEDURE FOR REDUCING THE CHARTER CAPITAL OF THE BANK

55. The charter capital of the Bank may be reduced either by decreasing the nominal value of shares or by reducing their total number, including through the acquisition of a portion of shares by the Bank with subsequent cancellation.

56. The Bank is prohibited from reducing its charter capital if such a reduction would result in the charter capital falling below the minimum amount established by legislation as of the date of state registration of the corresponding amendments to the Charter.

57. The decision to reduce the charter capital of the Bank and amend the Charter accordingly shall be adopted by the General Meeting of Shareholders.

58. When adopting a resolution to reduce the charter capital, the General Meeting of Shareholders must specify the reasons for the reduction and establish the procedure for its implementation.

59. No later than thirty days from the date the decision to reduce the charter capital was taken, the Bank shall notify its creditors in writing. Creditors are entitled, within thirty days from the date of receiving such notification, to demand the Bank to prematurely fulfill its

53. Банкнинг устав капиталини кенгайтириш ва капитални оширишда Банкнинг ўз капитал ва ҳисобидан дивидендлар ҳисобидан қилган хужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилиши мумкин.

54. Устав капитални Банкнинг ўз капитал хисобидан кўпайтирилганида қўшимча акциялар барча акциядорлар ўртасида тақсимланади. Бунда ҳар бир акциядорга қайси турдаги акциялар тегишли бўлса, аини ўша турдаги акциялар унга тегишли акциялар сонига мутаносиб равишда тақсимланади. Банк устав капитални кўпайтирилиши натижасида кўпайтириш суммасининг битта акциянинг номинал қийматига мувофиқлиги таъминланмаса, Банк устав капиталини кўпайтирилишига йўл қўйилмайди.

8. БАНК УСТАВ КАПИТАЛИНИ КАМАЙТИРИШ ТАРТИБИ

55. Банк устав капиталини акциялар номинал қийматини камайтириш ёки уларнинг умумий сонини қисқартириш йўли билан, шу жумладан акцияларнинг бир қисmini кейинчалик бекор қилган ҳолда Банк томонидан акцияларни олиш йўли билан камайтириш мумкин.

56. Банк устав капиталини камайтирилиши натижасида унинг миқдори Банклар устав капиталининг Банк уставидagi тегишли ўзгартиришларни давлат рўйхатидан ўтказиш санасида аниқланадиган, қонунчиликда белгиланган энг кам миқдоридан камайиб кетса, Банк устав капиталини камайтиришга ҳақли эмас.

57. Банк устав капиталини камайтириш тўғрисидаги ва Банк уставига тегишли ўзгартиришлар киритиш ҳақидаги қарорлар акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан қабул қилинади.

58. Банк устав капиталини камайтириш тўғрисида қарор қабул қилинаётганда акциядорларнинг умумий йиғилиши устав капиталини камайтириш сабабларини кўрсатади ва уни камайтириш тартибини белгилайди.

59. Банк устав капиталини камайтириш тўғрисида қарор қабул қилинган санадан эътиборан ўттиз кундан кечиктирмай ўз кредиторларини бу ҳақда ёзма шаклда хабардор қилади. Кредиторлар Банкнинг устав капиталини камайтириш тўғрисида ўзларига билдириш юборилган санадан эътиборан

9. TYPES OF THE BANK'S SHARES, THEIR NOMINAL VALUE, CORPORATE BONDS, AND OTHER SECURITIES

60. The shares of the Bank are registered issuance securities and are classified as ordinary shares.
61. Conversion of ordinary shares into preferred shares, corporate bonds, or other securities is prohibited.
62. Ordinary shares are voting securities that grant their holders the right to receive dividends and to participate in the Bank governance.
63. The nominal value of one share is 1,000 (one thousand) sums.
64. The nominal value of all shares issued by the Bank shall be identical.
65. The Bank is authorized to consolidate or split its shares in accordance with a resolution of the General Meeting of Shareholders, following the procedure established by applicable legislation.
66. The Bank is authorized to issue and place corporate bonds and other securities in compliance with applicable legislation and this Charter. Payment for corporate bonds and other securities shall be made exclusively in cash. Corporate bonds and other securities of the Bank shall be issued and placed in accordance with the procedures established by applicable legislation, based on the decision of the Supervisory Board of the Bank.

10. PROCEDURE AND TERMS FOR THE PLACEMENT OF THE BANK'S SHARES

67. The Bank can issue and place ordinary shares.
68. Additional shares issued by the Bank may be placed through public subscription or private subscription.

9. БАНК АКЦИЯЛАРИНИНГ ТУРЛАРИ, НОМИНАЛ ҚИЙМАТИ, БАНКНИНГ КОРПОРАТИВ ОБЛИГАЦИЯЛАРИ ВА БОШҚА ҚИММАТЛИ ҚОҒОЗЛАРИ

 - approving the Bank's annual business plan, which must be adopted by the Supervisory Board no later than December 1 of the current year for the upcoming year;
 - making decisions on the issuance and redemption of corporate bonds by the Bank, including corporate bonds convertible into shares;
 - making decisions on the issuance of deposit certificates, other debt instruments, and derivative securities by the Bank;

- акциядорларнинг йиллик ва оғдатан танловчи ўлчовли йиллик чакирини, қонунийликда назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно;
- акциядорларнинг умумий йиғилишининг кун тартибини тайёрлаш;
 - акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказиладиган сана, вақт ва жойни белгилаш;
 - акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказилиши ҳақида хабар қилиш учун Банк акциядорларининг реестрини шакллантириш санасини белгилаш;
 - Банк Уставига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ёки Банкнинг янги таҳрирдаги Уставини тасдиқлаш тўғрисидаги масалаларни акциядорларнинг умумий йиғилиши ҳал қилиши учун киритиш;
 - мол-мулкнинг бозор қийматини белгилашни ташкил этиш;
 - Банкнинг устав капиталини кўпайтириш, шунингдек Банк Уставига Банкнинг устав капиталини кўпайтириш ҳамда Банкнинг эълон қилинган акциялари сонини камайитириш билан боғлиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш;
 - Банк акцияларини чиқарилиши тўғрисидаги қарор ва эмиссия рисоласини тасдиқлаш, шунингдек аввал рўйхатдан ўтказилган қимматли қоғозлар чиқарилишларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида қарор қабул қилиш;
 - аудиторлик текширувини ўтказиш (мажбурий аудиторлик текшируви бундан мустасно), аудиторлик ташкилотини белгилаш, унинг хизматларига тўланадиган энг кўп ҳақ миқдори ва у билан шартнома тузиш (шартномани бекор қилиш) тўғрисида қарор қабул қилиш;
 - Банкнинг йиллик бизнес-режасини тасдиқлаш. Бундан Банкнинг келгуси йилга мўлжалланган бизнес-режаси Банк Кузатув кенгаши мажлисида жорий йилнинг 1 декабридан кечиктирмай тасдиқланиши лозим;
 - Банк томонидан корпоратив облигациялар чиқариш тўғрисида ва корпоратив облигацияларни қайтариб сотиб олиш тўғрисида қарорлар қабул қилиш (шу жумладан акцияларга айирбошланадиган корпоратив облигациялар);
 - Банк томонидан депозит сертификатлари ва бошқа қарз мажбуриятларини, шунингдек қимматли қоғозларнинг ҳосилаларини чиқариш тўғрисида қарор қабул қилиш;

- determination of the placement price for shares (including listing on organized securities markets);

- appointment of members of the Management Board of the Bank (excluding the Chairman) and the premature termination of their powers;

- appointment of an Acting Chairman of the Management Board in the event of the premature termination of the Chairman's powers;

- determination of the amounts of remuneration and/or compensation to be paid to the Management Board of the Bank;

- approval of internal regulatory documents of the Bank, except those expressly designated by legislation and this Charter as within the competence of the General Meeting of Shareholders or the Management Board;

- approval of the Bank's organizational structure;

- access to any and all documents concerning the Bank's activities and receipt of such documents from the Management Board to fulfill the duties assigned to the Supervisory Board. Documents received by the Supervisory Board and its members may be used exclusively for official purposes;

- providing recommendations regarding the size, form, and procedure for dividend payments;

- authorization of the use of the Bank's reserve and other funds;

- establishment of branches and opening of representative offices of the Bank;

- formation of subsidiary and affiliated business entities;

- adoption of resolutions concerning the execution of major transactions involving assets, where the book or acquisition value constitutes between fifteen (15) and fifty (50) percent of the Bank's net assets as of the date of such resolution. Such resolutions shall require unanimous approval by the members of the Supervisory Board, excluding the votes of absent members;

- determination of the placement price for shares (including listing on organized securities markets);

- Банкнинг бошқарув аъзоларини (раисдан ташқари) тайинлаш, уларнинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш;

- Банк бошқаруви раисининг ваколатлари муддатидан илгари тугатилган тақдирда, унинг вазифасини вақтинча бажарувчини тайинлаш;

- Банк бошқарувига тўланадиган ҳақ ва уларнинг юқори миқдорларини белгилаш;

- Банкни ички ҳужжатларини тасдиқлаш, қонун ҳужжатлари ва ушбу Уставга мувофиқ акциядорларнинг умумий йиғилиши ҳамда Банк бошқарувининг ваколатига тааллуқли бўлган ички ҳужжатларни тасдиқлаш бундан мустасно;

- Банк ташкилий тузилмасини маъқуллаш;

- Банк бошқарувининг фаолиятига дахлдор ҳар қандай ҳужжатлардан эркин фойдаланиш ва Банк Кузатув кенгаши зиммасига юклатилган вазифаларни бажариш учун бу ҳужжатларни Банк бошқарувидан олиш. Банк Кузатув кенгаши ва унинг аъзолари олинган ҳужжатлардан фақат хизмат мақсадларида фойдаланиши мумкин;

- дивиденд миқдори, уни тўлаш шакли ва тартиби юзасидан тавсиялар бериш;

- Банкнинг захира фондидан ва бошқа фондларидан фойдаланиш;

- Банкнинг филиалларини ташкил этиш ва ваколатхоналарини очиш;

- Банкнинг шўъба ва тобе ҳўжалик жамиятларини ташкил этиш;

- баланс қиймати ёки олиш қиймати битим тузиш тўғрисида қарор қабул қилинаётган санада Банк соф активлари миқдорининг ўн беш фоизидан эллик фоизигачасини ташкил этувчи мол-мулк хусусида йирик битим тузиш тўғрисидаги қарор қабул қилиш. Бундай қарор Банк Кузатув кенгашининг аъзолари томонидан бир овоздан қабул қилинади, бунда Банк Кузатув кенгашидан чиқиб кетган аъзоларнинг овози инобатга олинмайди;

approval of matters regarding the execution of major transactions in the General Meeting of Shareholders if unanimity is not achieved at the Supervisory Board meeting;

- approval of transactions with affiliated parties, in accordance with the Law of the Republic of Uzbekistan "On Joint-Stock Companies and Protection of Shareholders' Rights";
- authorization of transactions related to the Bank's participation in commercial and non-commercial organizations, as prescribed by applicable legislation;
- appointment of a Corporate Consultant and approval of regulations governing the scope of his activities;
- determination of the procedure and conditions for providing (or receiving) charitable or sponsorship assistance or gratuitous aid, strictly within the limits established by the General Meeting of Shareholders, applicable legislation, and the Bank's annual business plan, with subsequent reporting to the General Meeting of Shareholders;
- formation of committees under the Supervisory Board, comprised of members of the Supervisory Board, for the preliminary review of significant matters and preparation of recommendations for the Supervisory Board, and approval of regulations governing their activities;
- approval and oversight of the implementation of strategic objectives, corporate governance policies, and other internal policies of the Bank, including policies related to risk identification, management, monitoring, reporting, and the maintenance of the Bank's capital adequacy;
- oversight over the formation of provisions to cover potential losses from assets, in accordance with asset classification policies, and approval of measures to ensure the adequacy of capital and general reserves, as well as monitoring their implementation;

биринчи бундан тузатиш масаласида Банк Кузатув кенгашининг аъзолари томонидан тақдирда биринчи бундан тузатиш масаласининг акциядорларнинг умумий йиғилиши ҳал қилиши учун олиб чиқиш тўғрисида қарор қабул қилиш;

- Ўзбекистон Республикаси «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ аффилиланган шахс билан Банк томонидан битим тузиш тўғрисидаги қарор қабул қилиш;
- Банкнинг тижорат ва нотижорат ташкилотлардаги иштироки билан боғлиқ битимларни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тузиш;
- корпоратив маслаҳатчини тайинлаш ва унинг фаолияти тартибини белгиловчи низомни тасдиқлаш;
- хайрия, ҳомийлик ва бегараз ёрдам бериш шартлари ва улар ҳақида қарорлар қабул қилиш. Бунда акциядорларнинг умумий йиғилиши ва жорий йил учун бизнес-режада белгиланган чегарадан четга чиқмаган ҳолда, бу ҳақда акциядорларнинг умумий йиғилишга маълумотларни ошкор этиш шarti билан хайрия, ҳомийлик ва бегараз ёрдам беришга Банк Кузатув кенгашининг қарори асосда йўл қўйилади;
- энг муҳим масалаларни кўриб чиқиш ва Кузатув кенгашига тавсиялар тайерлаш учун Кузатув кенгаши аъзолари орасидан кўмиталар ташкил этилиши мумкин ва уларнинг фаолият тартибини белгиловчи низомларни тасдиқлаш;
- стратегик мақсадларни, корпоратив бошқарув сиёсатини, Банкнинг бошқа ички сийсатларини, шу жумладан таваккалчиликларни аниқлаш, бошқариш, мониторинг қилиш ва улар тўғрисида хабардор этиш, капиталнинг етарлилигини лозим даражада сақлаб туриш сиёсатини тасдиқлаш ҳамда уларнинг амалга оширилиши устидан назорат қилиш;
- активларни таснифлаш асосида активлар бўйича эҳтимолий зарарларга қарши яратиладиган захиралар шакллантирилиши устидан назорат қилиш, шунингдек Банкнинг капитал ва умумий захираларининг етарли даражада

- approval of procedures for the prevention and resolution of conflicts of interest;

- approval of financial recovery plans for the Bank;
- oversight of the Management Board's activities;
- monitoring the implementation of the Bank's approved business plan and reviewing quarterly reports from the Management Board concerning the Bank's operational performance;
- establishment of an internal audit function, appointment of its personnel, approval of the Regulation on the internal audit function, and assessment of the Management Board's compliance with the Bank's strategies and policies based on quarterly reports from the internal audit function;
- reviewing, discussing, and challenging the information, proposals, and explanations provided by members of the Management Board;
- monitoring and periodic assessment of the effectiveness of the Bank's governance system, including management principles, and taking appropriate measures to address identified deficiencies;
- submission of an annual report to the General Meeting of Shareholders on the supervisory and oversight activities performed by the Supervisory Board;
- approval of the Bank's annual financial statements and assurance of the integrity of the Bank's accounting and financial reporting systems;
- ensuring compliance with prudential requirements, taking into account the Bank's long-term financial interests and the capital requirements established by the Central Bank;
- approval of anti-corruption measures;
- approval of the Code of Conduct.

устидан назорат қилиш;

- манфаатлар тўқнашувини олдини олиш ва уни бартараф этиш тартибини тасдиқлаш;
- Банкнинг молиявий ҳолатини тиклаш режаларини тасдиқлаш;
- Банкнинг бошқаруви устидан назоратни амалга ошириш;
- Банкнинг қабул қилинган бизнес-режаси бажарилиши устидан назорат қилиш, шунингдек ҳар чоракда Банкнинг фаолияти натижалари тўғрисида Банк бошқарувининг ҳисоботини эшитиш;
- ички аудит хизматини ташкил этиш ва унинг ходимларини тайинлаш, ички аудит хизмати тўғрисидаги низомни тасдиқлаш, шунингдек ҳар чоракда унинг ҳисоботларини эшитиб бориш ва ички аудит хизматининг чораклик ҳисоботлари асосида Банк бошқаруви томонидан Банк стратегиялари ва сиёсатларига риоя этилишини баҳолашдан ўтказиш;
- Банк бошқаруви аъзолари томонидан тақдим этилган ахборотни, таклифларни ва тушунтиришларни ўрганиш, муҳокама қилиш ҳамда улар бўйича баҳслашиш;
- Банк фаолиятини бошқариш тизими самарадорлигини, шу жумладан Банк бошқаруви принциплари мониторингини ва уларни даврий баҳолашни амалга ошириш ҳамда аниқланган камчиликларни бартараф этиш учун тегишли чораларни кўриш;
- бир йилда камида бир марта амалга оширилган назорат ва текширув фаолияти тўғрисида акциядорларнинг умумий йиғилишига ҳисобот тақдим этиш;
- йиллик молиявий ҳисоботларни тасдиқлаш ҳамда бухгалтерия ҳисоботи ва молиявий ҳисоботлар тизимининг яхлитлигини таъминлаш;
- Банкнинг узоқ муддатли молиявий манфаатларини ва Марказий банк томонидан капиталга нисбатан белгиланган талабларни ҳисобга олган ҳолда пруденциал талабларга риоя этилишини таъминлаш;
- коррупция олдини олиш чораларини тасдиқлаш;
- одоб-ахлоқ қоидаларини тасдиқлаш.

Board in accordance with the Laws of the Republic of Uzbekistan "On Joint-Stock Companies and Protection of Shareholders' Rights", "On Banks and Banking Activities", this Charter and other regulatory legal acts.

135. Matters assigned to the competence of the Supervisory Board of the Bank shall not be delegated to the Management Board.

136. Members of the Supervisory Board shall be elected by the General Meeting of Shareholders for a term of three years. Individuals elected to the Supervisory Board of the Bank may be re-elected an unlimited number of times, in accordance with applicable legislation.

137. The Supervisory Board of the Bank shall consist of five (5) members, of whom 3 (three) shall be independent members.

138. The majority of the members of the Supervisory Board shall have no affiliation with the Bank, except through their membership in the Supervisory Board.

139. An individual is not eligible for election to the Supervisory Board of the Bank, or if elected, shall lose his membership in the Supervisory Board, under the following circumstances:

- an individual is, or intends to become, a member of the supervisory boards of two or more banks, except in cases where such banks belong to the same banking group;
- the powers of an individual have been prematurely terminated at the request of the Central Bank.

Individuals employed under an employment contract (agreement) by the Bank, members and the Chairman of the Management Board, individuals employed by the Bank's subsidiary or affiliated enterprises, and members of the governing bodies of such entities shall not be eligible to serve as members of the Bank's Supervisory Board.

140. The procedures for the formation of the Supervisory Board, the conduct of its meetings, voting processes, and the adoption of

«Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини қамраб олиш тўғрисида»ги, «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги Қонунларига, мазкур Уставга мувофиқ ва бошқа қонун ҳужжатларида белгиланган бошқа масалаларни ҳал этиш ҳам киритилиши мумкин.

135. Банк Кузатув кенгашининг ваколат доирасига киритилган масалалар ҳал қилиш учун Банк бошқарувига ўтказилиши мумкин эмас.

136. Банк Кузатув кенгашининг аъзолари акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан уч йил муддатга сайланади. Амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ Банк кузатув кенгашининг аъзолари таркибига сайланган шахслар чекланмаган тарзда қайта сайланиши мумкин.

137. Банк Кузатув кенгашининг сон таркиби 5 (беш) аъзодан иборат бўлиб, 3 (уч) нафари мустақил аъзо ҳисобланади.

138. Банк Кузатув кенгаши аъзоларининг кўпчилиги Банкка алоқадор шахслар бўлмаслиги керак, бундан уларнинг Кузатув кенгашидаги аъзолиги мустасно.

139. Қуйидаги ҳолларда шахс Кузатув кенгаши аъзолигига сайланиши мумкин эмас ёки сайланган шахс Кузатув кенгаши аъзолиги ҳуқуқидан маҳрум этилади:

- шахс икки ёки ундан ортиқ банкларнинг Кузатув кенгаши аъзоси бўлса ёки аъзо бўлиш ниятида бўлса, бундан мазкур банклар бир банк гуруҳига тегишли бўлган ҳоллар мустасно;
- шахснинг ваколатлари Марказий банк талабига кўра муддатидан илгари тугатилган бўлса.

Банк бошқаруви аъзолари ва бошқарув раиси, шунингдек Банкда, унинг шўъба ва тобе хўжалик жамиятларида меҳнат шартномаси (контракт) бўйича ишлаётган шахслар ва ушбу жамиятлар бошқарув органларининг аъзолари Банк Кузатув кенгаши аъзоси бўлиши мумкин эмас.

140. Банк Кузатув кенгашини тузиш, мажлисларни ўтказиш, овоз бериш ва қарорлар қабул қилиш тартиби акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан тасдиқланадиган низом билан тартибга солинади.

Resolutions shall be regulated by a Regulation approved by the General Meeting of Shareholders

141. The Bank shall ensure the ongoing compliance of the members of the Supervisory Board, the Management Board, and key personnel of the Bank with the requirements established under the legislation governing banking and banking activities.
142. The Chairman of the Supervisory Board shall be elected from among the members of the Supervisory Board by a majority vote of the total number of Supervisory Board members.
143. The Supervisory Board reserves the right to reelect its Chairman by a majority vote of the total number of its members.
144. The Chairman of the Supervisory Board shall organize the activities of the Supervisory Board, convene and preside over its meetings, ensure that meeting minutes are duly recorded, and preside over the General Meeting of Shareholders.
145. In the absence of the Chairman of the Supervisory Board, his duties shall be performed by a member of the Supervisory Board as designated.
146. Meetings of the Supervisory Board shall be convened by the Chairman of the Supervisory Board at his initiative, at the request of a member of the Supervisory Board, a member of the Management Board, the Head of the Internal audit function, or a shareholder (s) owning at least one percent of the Bank's voting shares.
147. Meetings of the Supervisory Board shall be convened by the Chairman of the Supervisory Board at least once per quarter.
148. A quorum for holding a meeting of the Supervisory Board shall constitute no less than seventy-five percent of the elected members of the Supervisory Board.
149. Decisions of the Supervisory Board shall be adopted by a majority vote of the members present unless otherwise provided by the Law of the Republic of Uzbekistan "On Joint-Stock Companies and Protection

141. Банкнинг Кузатув кенгаши ва бошқаруви аъзолари, шунингдек муҳим аҳамиятга эга ходимлари банклар ва банк фаолияти тўғрисидаги қонунчилик талабларига доимо мувофиқ бўлиши Банк томонидан таъминланиши шарт.
142. Банк Кузатув кенгашининг раиси Кузатув кенгаши аъзоларининг умумий сонига нисбатан кўпчилик овоз билан, ушбу Кузатув кенгаши таркибидан сайланади.
143. Банк Кузатув кенгаши раиси Кузатув кенгаши аъзоларининг умумий сонига нисбатан кўпчилик овоз билан қайта сайлашга ҳақли.
144. Банк Кузатув кенгашининг раиси унинг ишини ташкил этади, Банк Кузатув кенгаши мажлисларини чақиради ва уларда раислик қилади, мажлисларда баённома юритилишини ташкил этади, акциядорларнинг умумий йиғилишида раислик қилади.
145. Банк Кузатув кенгашининг раиси бўлмаган тақдирда унинг вазифасини Банк Кузатув кенгаши аъзоларидан бири амалга оширади.
146. Банк Кузатув кенгашининг мажлиси Банк Кузатув кенгашининг раиси томонидан унинг ўз ташаббусига кўра ёки Банк Кузатув кенгаши аъзосининг, Банк бошқаруви аъзосининг, бир фоизидан кам бўлмаган оддий акциялар эгаси бўлган акциядор (акциядорлар)нинг, Банк ички аудит хизмати раҳбарининг, Банк ички назорат хизмати раҳбарининг, Банк ташқи аудиторининг талабига кўра чақирилади.
147. Банк Кузатув кенгаши мажлислари унинг раиси томонидан ҳар чоракда камида бир марта чақирилади.
148. Банк Кузатув кенгаши мажлисини ўтказиш учун кворум Банк Кузатув кенгашига сайланган аъзоларнинг етмиш беш фоизидан кам бўлмаслиги керак.
149. Банк Кузатув кенгашининг мажлисида қарорлар, агар Ўзбекистон Республикаси «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонунида ва ушбу Уставда ўзгача қоида назарда

of Shareholders' Rights" of this Charter. Each member of the Supervisory Board shall have one vote.

150. The delegation of voting rights by one member of the Supervisory Board to another is strictly prohibited. In the event of a tie, the vote of the Chairman of the Supervisory Board shall be decisive.

151. Decisions on increasing of the charter capital of the Bank through the issuance of additional shares, as well as corresponding amendments to the Charter, shall require the unanimous approval of the Supervisory Board.

152. Decisions of the Supervisory Board may be adopted through absentee voting (polling) only if all members of the Supervisory Board unanimously approve.

153. Should the number of Supervisory Board members fall below seventy-five percent of the number specified in this Charter, the Bank must convene an Extraordinary General Meeting of Shareholders to elect a new Supervisory Board. The remaining members of the Supervisory Board shall have the authority to convene such a meeting and may also appoint an Acting Chairman of the Management Board in the event of the premature termination of the Chairman's powers.

154. The minutes of the Supervisory Board meetings shall be prepared no later than ten days following the meeting and shall include:

- the date, time, and venue of the meeting;
- the list of participants, including those attending remotely via information and communication technologies;
- the agenda of the meeting;
- the issues put to a vote and the results of the voting;
- the resolutions adopted.

тутинилган бўлса, мажлислада қабул қилинганларнинг қўшимча овози билан қабул қилинади. Банк Кузатув кенгашининг мажлисида масалалар ҳал этилаётганда Банк Кузатув кенгашининг ҳар бир аъзоси битта овозга эгадир.

150. Банк Кузатув кенгашининг бир аъзоси ўз овозини Банк Кузатув кенгашининг бошқа аъзосига беришига йўл қўйилмайди. Банк Кузатув кенгаши аъзоларининг овозлари тенг бўлган тақдирда Банк Кузатув кенгаши томонидан қарор қабул қилишда Банк Кузатув кенгаши раисининг овози ҳал қилувчи ҳисобланади.

151. Банкнинг устав капиталини қўшимча акцияларни жойлаштириш йўли билан кўпайтириш тўғрисидаги ва Банк Уставига тегишли ўзгартишлар киритиш ҳақидаги қарорлар Банк Кузатув кенгаши томонидан бир овоздан қабул қилинади.

152. Банк Кузатув кенгаши қарорлари сирtdан овоз бериш йўли билан (сўров йўли билан) Банк Кузатув кенгашининг барча аъзолари томонидан бир овоздан қабул қилиниши мумкин.

153. Банк Кузатув кенгаши аъзоларининг сони мазкур Уставда назарда тутилган миқдорнинг етмиш беш фоизидан кам бўлган тақдирда, Банк Кузатув кенгашининг янги таркибини тайинлаш учун акцидорларнинг навбатдан-ташқари умумий йиғилиши чақирилиши шарт. Банк Кузатув кенгашининг қолган аъзолари акциядорларнинг бундай навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақириш тўғрисида қарор қилишга, шунингдек Банк бошқаруви раисининг ваколатлари муддатидан илгари тугатилган тақдирда, унинг вазифасини вақтинча бажарувчини тайинлашга ҳақлидир.

154. Банк Кузатув кенгаши мажлисларида баённома юритилади. Кузатув кенгаши мажлисининг баённомаси мажлис ўтказилганидан сўнг ўн кундан кечиктирмай тузилади. Мажлис баённомасида қуйидагилар кўрсатилади:

- мажлис ўтказилган сана, вақт ва жой;
- мажлисда иштирок этувчи, шу жумладан ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда масофадан иштирок этган шахслар;
- мажлиснинг кун тартиби;
- овоз беришга қўйилган масалалар, овоз бериш натижалари;
- қабул қилинган қарорлар.

155. The minutes of the Supervisory Board meeting shall be signed by the members of the Supervisory Board who participated in the meeting, each of whom shall bear responsibility for the accuracy and completeness of the minutes.

156. By resolution of the General Meeting of Shareholders, members of the Supervisory Board may receive remuneration and/or reimbursement for expenses incurred in the performance of their duties during their term of service. The amounts of such remuneration and reimbursements shall be determined in accordance with the Regulation "On the Procedure for Incentivizing Members of the Supervisory Board of the Bank".

17. MANAGEMENT BOARD OF THE BANK

157. The day-to-day operations of the Bank shall be managed by the Management Board, which is a collegial executive body of the Bank.

158. The Management Board serves as the Bank's executive management body, responsible for the operational management of the Bank's activities in accordance with the strategy and governance structure approved by the Bank's Supervisory Board, and is accountable for the Bank's overall performance.

159. The Management Board of the Bank shall consist of five (5) members, including the Chairman of the Management Board, his deputy(s), the Chief Accountant, and other heads of key structural divisions of the Bank.

160. The Chairman of the Management Board shall be appointed for a term of three (3) years based on a resolution of the shareholder and shall assume office upon approval by the Central Bank.

161. The Deputy(s) of the Chairman of the Management Board shall be appointed for a term of three (3) years by decision of the Supervisory Board and shall assume office upon approval by the Central Bank.

155. Банк Кузатув кенгаши мажлисининг баённомаси мажлисда иштирок этаётган Банк Кузатув кенгаши аъзолари томонидан имзоланади, улар мажлис баённомаси тўғри расмийлаштирилиши учун жавобгар бўлади.

156. Акциядорларнинг умумий йиғилиши қарорига кўра Банк Кузатув кенгашининг аъзоларига улар ўз вазифаларини бажариб турган давр учун ҳақ тўланиши ва (ёки) Банк Кузатув кенгашининг аъзоси вазифаларини бажариш билан боғлиқ харажатларининг ўрни қопланиши мумкин. Бундай ҳақ ва тўловларнинг миқдорлари «Банк Кузатув кенгаши аъзоларини мукофотлаш тартиби тўғрисида»ги Низомда белгиланади.

17. БАНК БОШҚАРУВИ

157. Банкнинг кундалик фаолиятига раҳбарлик қилиш коллегиал ижроия органи – Банк бошқаруви томонидан амалга оширилади.

158. Банк бошқаруви Банкни бошқаришнинг ижро этувчи органи бўлиб, у Банкнинг Кузатув кенгаши томонидан тасдиқланган фаолият стратегияси ва уни бошқариш тизимида мувофиқ Банкнинг фаолиятида оператив бошқарувни амалга оширади ҳамда Банкнинг фаолияти учун жавобгарликни тўлиқ зиммасига олади.

159. Банк бошқаруви 5 (беш) кишидан иборат. Банк бошқаруви таркибига бошқарув раиси, унинг ўринбосари(лари), бош бухгалтер ва бошқа асосий таркибий бўлинмалар раҳбарлари киритилади.

160. Банк бошқаруви раиси акциядорнинг қарорига асосан уч йил муддатга тайинланади ва Марказий банк билан келишилгандан сўнг лавозимга киришади.

161. Банк бошқаруви раиси ўринбосари(лари) Кузатув кенгаши қарорига асосан уч йил муддатга тайинланади ва Марказий банк билан келишилгандан сўнг лавозимга киришади.

162. Other members of the Management Board shall be appointed for a term of three (3) years by decision of the Supervisory Board and shall assume office upon approval by the Central Bank.

163. By decision of the Supervisory Board, the appointment of the Chairman and members of the Management Board may be conducted through a competitive selection process, which may include foreign candidates.

164. The rights and obligations of the Chairman and members of the Management Board shall be defined by applicable legislation, the Charter, and contracts concluded between each individual and the Bank for a term of three (3) years, subject to annual review regarding the possibility of extension or termination.

165. Employment contracts with the Chairman of the Management Board and his deputy(s) shall be signed on behalf of the Bank by the Chairman of the Supervisory Board or an individual authorized by the Supervisory Board. Contracts with other members of the Management Board, including the heads of key Bank divisions, shall likewise be signed on behalf of the Bank by the Chairman of the Supervisory Board or an authorized individual.

166. The remuneration of the Chairman and members of the Management Board shall be directly tied to the efficiency of the Bank's performance and shall be determined by the terms of their contracts.

167. Members of the Management Board, including the Chairman, may hold positions in the management bodies of other organizations only with the prior consent of the Bank's Supervisory Board.

168. A contract concluded with a member of the Management Board (including the Chairman) may be terminated prematurely by decision of the Supervisory Board of the Bank on the following grounds:

- upon the submission of a resignation by the member of the Management Board;
- in the event of gross violations of the Charter by the member of the Management Board;

162. Бошқарувнинг бошқа аъзолари Кузатув кенгаши қарорига асосан уч йил муддатга тайинланади ва Марказий банк билан келишилгандан сўнг лавозимга киришади.

163. Банк Кузатув кенгашининг қарорига кўра Банк бошқаруви раиси ва аъзоларини тайинлаш, қоида тариқасида, чет эллик менежерлар иштирок этиши мумкин бўлган танлов бўйича саралаш асосида амалга оширилиши мумкин.

164. Банк бошқаруви раиси ва аъзоларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари қонун ҳужжатларида, мазкур Уставда ҳамда уларнинг ҳар бири Банк билан уч йил муддатга тузадиган шартномада белгиланиб, шартноманинг амал қилиш муддатини узайтириш ёки уни бекор қилиш мумкинлиги тўғрисида ҳар йили қарор қабул қилинади.

165. Банк бошқаруви раиси ва унинг ўринбосари(лари) билан тузилган меҳнат шартномасини Банк номидан Банк Кузатув кенгашининг раиси ёки Кузатув кенгаши ваколат берган шахс имзолайди. Бошқарув аъзолигига тайинланган Банкнинг бошқа асосий бўлинмалари раҳбарлари билан бошқарув аъзолигига ёллаш ҳақида тузилган шартномаларни Банк номидан Банк Кузатув кенгашининг раиси ёки Кузатув кенгаши ваколат берган шахс имзолайди.

166. Банкнинг бошқарув раиси ва аъзоларига тўланадиган ҳақ миқдори Банк фаолиятининг самарадорлигига тўғридан-тўғри боғлиқ бўлади ва шартномада белгиланган бўлиши керак.

167. Банкнинг бошқарув раиси ва аъзоларига вазифаларни бошқа ташкилотларнинг бошқарув органларидаги лавозим билан биргаликда эгаллаб туришга фақат Банк Кузатув кенгашининг розилиги билан йўл қўйилади.

168. Банк бошқарув аъзоси (шу жумладан Бошқарув раиси) билан тузилган шартнома қуйидаги асосларга кўра Банк Кузатув кенгаши томонидан муддатидан илгари тугатилиши (бекор қилиниши) мумкин:

- Банк бошқаруви аъзоси томонидан берилган аризага асосан;
- Банк бошқаруви аъзоси Банк уставини қўпол тарзда бузган тақдирда;

- if the member of the Management Board causes financial losses to the Bank through their actions (or inaction);
- for breaches by the member of the Management Board of the terms of their contract with the Bank.

169. Should the General Meeting of Shareholders adopt a resolution to terminate the powers of the Chairman of the Management Board, the decision to transfer the powers of the Chairman to another individual may be made at the same meeting or deferred to the nearest General Meeting of Shareholders, with the appointment of an interim Acting Chairman of the Management Board.

170. In the event the Supervisory Board resolves to terminate the powers of the Chairman of the Management Board, it shall appoint an interim Acting Chairman of the Management Board and convene an extraordinary General Meeting of Shareholders to resolve the matter of appointing a new Chairman of the Management Board.

171. The Management Board of the Bank shall be vested with the authority to address all matters pertaining to the day-to-day operations of the Bank, except for those matters that fall within the exclusive competence of the General Meeting of Shareholders or the Supervisory Board.

172. Powers and Duties of the Management Board of the Bank:

- ensuring the implementation of resolutions adopted by the General Meeting of Shareholders and the Supervisory Board;
- coordinating the activities of the Bank's structural units; introducing modern corporate governance principles based on a thorough analysis of international experience; enhancing the efficiency of investment, material, financial, and human resource utilization; creating favorable conditions for attracting foreign investments to the Bank; ensuring the preparation and professional development of management personnel in collaboration with leading international educational institutions; and

- Банк бошқаруви аъзоси ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) туфайли Банкга зарар етказилган бўлса;

- Банк бошқаруви аъзоси билан тузилган шартнома шартларини бузган тақдирда.

169. Акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан Банк бошқаруви раисининг ваколатларини тугатиш тўғрисида қарор қабул қилинган тақдирда, Банк бошқаруви раисининг ваколатларини бошқа шахсга ўтказиш тўғрисидаги масала ўша йиғилишнинг ўзида ҳал этилиши ёхуд Банк бошқаруви раисининг вазифасини вақтинча бажарувчи шахсни тайинлаган ҳолда акциядорларнинг яқин орадаги умумий йиғилишида кўриб чиқиш учун қолдирилиши мумкин.

170. Бошқарув раисининг ваколатларини тугатиш тўғрисида қарор қабул қилган Банк Кузатув кенгаши Банк бошқаруви раисининг вазифасини вақтинча бажарувчи шахсни тайинлаш тўғрисида қарор қабул қилади, шунингдек Банкнинг бошқарув раиси тўғрисидаги масалани ҳал этиш учун акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақиради.

171. Банк бошқарувининг ваколатига Банкнинг кундалик фаолиятига раҳбарлик қилишга доир барча масалалар киради, акциядорлар умумий йиғилишининг ёки Кузатув кенгашининг ваколат доирасига киритилган масалалар бундан мустасно.

172. Банк бошқарувининг ваколатлари (ҳуқуқлари) ва мажбуриятлари:

- акциядорларнинг умумий йиғилиши ва Банк Кузатув кенгаши қарорларини бажарилишини ташкил этади;
- Банкнинг таркибий тузилмалари ишини мувофиқлаштиради, халқаро тажрибани чуқур таҳлил қилиш асосида замонавий корпоратив бошқарув услубларини жорий этади, инвестиция, моддий-техник, молиявий ва меҳнат ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини оширади, Банкка хорижий инвестицияларни кенг жалб қилиш учун қулай шароитлар яратади, етакчи хорижий таълим муассасалари билан ҳамкорлик асосида бошқарув ходимларини тайерлаш ва уларнинг касб даражасини оширишни ташкил

hiring foreign highly qualified managers for executive positions within the Bank;

- reviewing matters related to the Bank's operational performance, deposit acceptance, asset allocation, lending arrangements, settlements, cash management, and external economic activities;

- submitting quarterly reports to the Supervisory Board of the Bank concerning the financial condition and activities of the Bank, as well as the implementation of the business plan;

- developing and implementing new types of banking services;

- approving internal documents of the Bank, except for those whose approval falls within the competence of the General Meeting of Shareholders or the Supervisory Board of the Bank;

- approving regulations for the structural units of the Bank, excluding regulations governing the internal audit function and the internal control function;

- making decisions on matters related to the Bank's day-to-day operations;

- developing and submitting for approval by the General Meeting of Shareholders and the Supervisory Board the Bank's development strategy and business plan;

- ensuring the implementation of the Bank's development strategy, credit policies, and other policies, as well as the execution of the business plan;

- reviewing reports from heads of structural units and branches of the Bank and adopting relevant decisions;

- addressing deficiencies and legal violations identified through quarterly inspections conducted by the internal audit function and implementing measures to rectify them;

- addressing matters related to the recruitment, deployment, and training of personnel, as well as imposing disciplinary measures on employees;

қилади, шунингдек, Банкнинг раҳбарлик лавозимларига чет эллик юқори малакали менежерларни жалб қилади;

- Банкнинг фаолияти якунлари бўйича ҳисоботларни, депозитларни қабул қилиш, активларни жойлаштириш, кредитлашни ташкил этиш, ҳисоб-китоблар, пул муомаласи, касса хизмати, ташқи иқтисодий фаолиятни ташкил этиш масалаларини кўриб чиқади;

- ҳар чоракда Банк Кузатув кенгашига Банкнинг молиявий ҳолати ва фаолияти, бизнес режа ижроси ҳақида ҳисобот тақдим этади;

- банк хизматларининг янги турларини ишлаб чиқади ва жорий этади;

- акциядорларнинг умумий йиғилиши, Банк Кузатув кенгаши ваколатига кирадиган ички ҳужжатлардан ташқари, Банкнинг бошқа ички ҳужжатларини ишлаб чиқади ва тасдиқлайди;

- Банкнинг таркибий бўлинмалари тўғрисидаги низомларни тасдиқлайди (Банкнинг ички аудит хизмати ва ички назорат хизмати тўғрисидаги низомлар бундан мустасно);

- Банкнинг кундалик фаолиятидаги масалалар бўйича қарорлар қабул қилади;

- Банкнинг ривожланиш стратегиясини, бизнес режасини ишлаб чиқади ҳамда уларни акциядорларнинг умумий йиғилиши ва Банк Кузатув кенгашига тасдиқлаш учун киритади;

- Банкнинг кредит ва бошқа сиёсатлари, банкнинг ривожланиш стратегиясини, бизнес режаси ижросини ва жорий этилишини таъминлайди;

- Банкнинг таркибий бўлинмалари ва филиал раҳбарларининг ҳисоботларини кўриб чиқади ва улар бўйича қарорлар қабул қилади;

- Банк ички аудит хизмати текшируви натижалари бўйича аниқланган камчиликлар ва қонун бузилишларни ҳар чоракда кўриб чиқади ва уларни бартараф қилиш чораларини кўради;

- ходимларни танлаш, жой-жойига қўйиш ва тайерлаш масалаларини ҳал қилади, мансабдор шахсларини интизомий жавобгарликка тортади;

- ensuring compliance with applicable laws by the Bank;
- implementing advanced corporate governance practices;
- organizing accounting operations within the Bank and submitting financial statements in accordance with applicable laws and international standards, including document management and record retention;
- overseeing accounting and reporting activities;
- conducting detailed analyses of external audit results and reports from inspections carried out by the Central Bank;
- approving prices and tariffs for banking services;
- rectifying deficiencies identified by the Bank's auditors and presenting the results of these rectifications to the Supervisory Board;
- participating in the development of credit, investment, and issuance policies;
- implementing strategic goals, corporate governance policies, and other internal policies of the Bank, including risk identification, management, monitoring, reporting, and capital adequacy maintenance policies;
- defining the authority and responsibilities of the Bank's employees;
- exercising oversight of the Bank's staff activities;
- executing the approved annual business plan of the Bank and periodically submitting reports to the General Meeting of Shareholders and the Supervisory Board on work performed, financial results, and measures or sanctions applied to the Bank;
- addressing fundamental labor organization matters, including work schedules, occupational safety, social development, and employee incentives (both material and moral);

- Банкнинг амалдаги қонун ҳужжатларига риоя қилишнинг таъминлайди;
- корпоратив бошқарувнинг замонавий ва илғор услубларини жорий этади;
- Банкда қонун ҳужжатлари ва халқаро стандартларга мувофиқ бухгалтерия ҳисобини юритилишини ва молиявий ҳисобот тақдим этилишини, шунингдек ҳужжатлар айланишини ва ҳужжатларни сақланишини ташкил этади;
- бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботини ташкил қилади;
- ташқи аудит текшируви натижалари ва Марказий банк томонидан ўтказилган инспекция (текширув) ҳисоботларини батафсил таҳлил қилади;
- Банк хизматлари бўйича нарх ва тарифларни тасдиқлайди;
- Банк аудиторлари томонидан аниқланган камчиликларни бартараф этиш ва Банк аудиторлари томонидан ўтказилган текшириш якуни бўйича қилинган ишлар натижаларини кўриб чиқиш учун Банк Кузатув кенгашига киритади;
- кредит, инвестиция, эмиссия сиёсатларини ишлаб чиқилишида иштирок этади;
- стратегик мақсадларни, корпоратив бошқарув сиёсатини, Банкнинг бошқа ички сиёсатларини, шу жумладан таваккалчиликларни аниқлаш, бошқариш, мониторинг қилиш ва таваккалчиликлар тўғрисида хабардор этиш, капиталнинг етарлилигини лозим даражада сақлаб туриш сиёсатини амалга оширади;
- Банк ходимларнинг ваколатлари ва жавобгарлигини белгилайди;
- Банк ходимларининг фаолияти устидан назоратни амалга оширади;
- Банкнинг қабул қилинган йиллик бизнес-режасини бажаради, шунингдек акциядорларнинг умумий йиғилишига ва Банк Кузатув кенгашига бажарилган ишлар, молиявий натижалар, Банкка нисбатан қўлланилган чоралар ҳамда санкциялар тўғрисидаги ҳисоботни даврий равишда тақдим этади;
- иш жараёнини ташкиллаштиришнинг асосий масалаларини ҳал қилади, шу жумладан меҳнат тартиби, меҳнатни муҳофаза қилиш ва техник хавфсизлик, ижтимоий ривожлантириш, шунингдек Банк ходимларини моддий ва маънавий рағбатлантиришни амалга оширади;

- making decisions on writing off non-performing (loss-making) assets from provisions for unexpected losses and informing the Supervisory Board of such actions within three days;
- exercising oversight of the Bank's operations, including:

- allocating authority for financial transactions and other dealings;
 - managing information flows (receiving and transmitting information) and ensuring information security;
 - participating in risk management and risk assessment processes.
- executing decisions of the Bank's shareholders and the Supervisory Board and implementing the Bank's strategy and policies;
 - reviewing materials and results of periodic evaluations of the Bank's operational efficiency;
 - establishing effective information transmission and exchange systems within the Bank to ensure the delivery of necessary information to relevant stakeholders. Such systems shall encompass all documents governing the Bank's operational policies and procedures;
- creating conditions for effective risk management, including:
 - ensuring the adoption of internal documents outlining rules and procedures for risk management to comply with the fundamental principles of risk management as approved by the Supervisory Board;
 - implementing a Supervisory Board-approved risk appetite statement to ensure the effective functioning of the risk management system;
 - allocating authority and responsibility for banking risk management among leaders of various levels, providing

- эҳтимолий зарарларни қоплаш бўйича заҳиралар ҳисобига «умидсиз» активларни қоплаш тўғрисида қарор қабул қилади. Бунда Банк бошқаруви уч кун муддатда Банк Кузатув кенгашини хабардор қилади;
- Банк фаолиятини ташкиллаштириш бўйича назоратни амалга оширади, шу жумладан:

- банк операцияларини ва бошқа битимларни амалга оширишда ваколатларни тақсимлаш бўйича;
- маълумотлар оқимларини (маълумотларни олиш ва бериш) бошқариш ва маълумотлар ҳимоясини таъминлаш бўйича;
- банк таваккалчиликларини бошқариш жараёнида қатнашиш ва уларни баҳолаш бўйича;
- Банк акциядори ва Кузатув кенгашининг қарорларини бажаради, Банк стратегиясини ва сиёсатларини амалга оширади;
- Банк фаолияти самарадорлиги бўйича даврий баҳолаш натижаларини ва материалларини кўриб чиқади;
- Банкда маълумотларни узатиш ва алмашинуви бўйича ва ушбу маълумотларни манфаатдор шахсларга етказиб берувчи самарали тизимни яратади. Маълумотларни узатиш ва алмашинуви тизими Банк фаолияти тартиб-таомилини ва операцион сиёсатини аниқловчи барча ҳужжатларни ўз ичига олади;
- Банк таваккалчиликларини самарали бошқариш бўйича шарт-шароитлар яратади, шу жумладан:
 - банк таваккалчиликларини бошқариш бўйича асосий тамойилларга риоя қилиш мақсадида таваккалчиликларни бошқариш қоидаларини ва тартиб-тамомойилларини аниқловчи Кузатув кенгаши томонидан тасдиқланадиган ички ҳужжатларни қабул қилинишини таъминлаш;
 - Кузатув кенгаши томонидан тасдиқланган риск-аппетити баёноти, таваккалчиликларни бошқариш тизимининг самарали фаолият юритишини таъминлаш;
 - турли хил даражадаги бўлинмалар раҳбарлари орасида банк таваккалчиликларини бошқариш бўйича ваколатларни ва мажбуриятларни тақсимлаш, уларни зарур бўлган ресурслар билан

necessary resources, and establishing reporting and interaction procedures.

- exercising other powers and duties in accordance with the legislation of the Republic of Uzbekistan, the Charter, and internal documents of the Bank;

- the Management Board of the Bank shall be accountable to the General Meeting of Shareholders and the Supervisory Board.

173. Powers and Responsibilities of the Chairman of the Management Board of the Bank includes the following:

- ensuring the operational management of the Bank's ongoing activities;

- acting on behalf of the Bank without a power of attorney, including representing its interests before all organizations and state authorities;

- executing transactions and agreements, including employment contracts, on behalf of the Bank and issues powers of attorney;

- overseeing preparatory activities for the establishment of new branches of the Bank;

- approving internal regulatory documents of the Bank, except for those within the purview of the General Meeting of Shareholders, the Supervisory Board, or the Management Board;

- approving the staff structure of the Bank;

- appointing heads of the Bank's structural divisions (excluding the appointment of the Head of the Internal audit function), including heads and chief accountants of branches and representative offices, and signs employment contracts with them on behalf of the Bank;

- rewarding employees in accordance with the labor legislation of the Republic of Uzbekistan, imposes disciplinary sanctions, and rescinds them as necessary;

- allocating responsibilities among the Deputy(s) of the Chairman of the Management Board;

- approving job descriptions for employees of the Bank's head office;

таъминлаш, ҳисоботларни тақдим этиш ва ўзаро ҳамкорлик шартини ўрнатиш;

- Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари, мазкур Устав ва Банкнинг ички ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатлар (ҳуқуқлар) ва мажбуриятлар.

- Банк бошқаруви акциядорларнинг умумий йиғилиши ва Кузатув кенгашига ҳисобдордир.

173. Банк бошқаруви раисининг ваколатлари (ҳуқуқлари) ва мажбуриятлари:

- Банкнинг кундалик фаолиятига тезкор раҳбарлик қилади;

- Банк номидан ишончномасиз иш юритади, шу жумладан барча ташкилотларда, давлат органларида Банк манфаатларини кўзлаб иш тутди;

- Банк номидан битимлар, шартномалар, шу жумладан меҳнат шартномаларини тузади ва ишончномалар беради;

- Банк филиалларини очилиши бўйича тайёргарлик ишларини ташкиллаштиради;

- Банк ички ҳужжатларини тасдиқлайди, акциядорларнинг умумий йиғилиши, Банк Кузатув кенгаши ва Банк бошқаруви томонидан тасдиқланадиган ички ҳужжатлар бундан мустасно;

- штатларни тасдиқлайди;

- Банкнинг тузилмавий бўлинмалар раҳбарларини тайинлайди (Банкнинг ички аудит хизмати раҳбарини тайинлаш бундан мустасно), шу жумладан филиаллар ва ваколатхоналар раҳбарларини ва бош ҳисобчиларини тайинлайди, улар билан тузиладиган меҳнат шартномаларини Банк номидан имзолайди;

- Ўзбекистон Республикаси меҳнат қонунчилигига мувофиқ ходимларни рағбатлантиради, уларга нисбатан интизомий жазоларни қўллайди, шунингдек интизомий жазоларни олиб ташлайди;

- Бошқарув раиси ўринбосари(лари) ўртасида вазифаларни тақсимлайди;

- Банк Бош офиси ходимларининг лавозим йўриқномаларини тасдиқлайди;

- signing all internal documents approved by the Management Board of the Bank;
- managing the Bank's assets and financial resources in compliance with applicable legislation and within the scope of their authority;
- opening correspondent, currency, settlement, and other accounts of the Bank in other financial institutions;
- submitting proposals on the Bank's development strategy and mechanisms for its implementation to the Supervisory Board for consideration;
- ensuring the preparation and conduct of General Meetings of Shareholders and meetings of the Supervisory Board, as well as the execution of resolutions adopted by these bodies;
- exercising additional powers and fulfilling obligations as prescribed by the legislation of the Republic of Uzbekistan, the Charter, and other internal regulatory documents of the Bank.

174. Members of the Supervisory Board and the Management Board of the Bank, in exercising their rights and fulfilling their duties, shall act in the interests of the Bank and bear responsibility in accordance with the procedure established by law.

175. The liability of members of the Supervisory Board and the Management Board of the Bank to the Bank shall be joint and several if the legislation provides for shared responsibility among multiple individuals regarding a decision.

176. Members of the Supervisory Board and the Management Board of the Bank shall not be held liable if they did not participate in the voting or voted against a resolution that resulted in losses to the Bank.

177. The procedure for forming the Management Board of the Bank, conducting its meetings, and adopting decisions shall be regulated by a Regulation approved by the General Meeting of Shareholders.

18. OVERSIGHT OF THE BANK'S ACTIVITIES

178. The Bank shall establish an internal audit function, which shall be accountable to the Supervisory Board of the Bank.

- Банк бошқаруви томонидан тасдиқланган барча локал ҳужжатларни имзолайди;
- амалдаги қонунчиликка мувофиқ ва ўз ваколати доирасида Банкнинг мол-мулки ва пул маблағларини бошқаради;
- бошқа банкларда банкнинг вакиллик, валюта, ҳисоб-китоб ва бошқа ҳисобварақларини очади;
- Банк Кузатув кенгаши мажлисларига Банкнинг ривожлантириш стратегиясини ва уни амалга ошириш усулларига доир таклифларни киритади;

- акциядорларнинг умумий йиғилиши ва Банк Кузатув кенгашининг мажлисларига тайёргарлик кўришни, уларни ўтказишни ҳамда улар томонидан қабул қилинган қарорларнинг бажарилишини таъминлайди;

- Бошқарув раиси Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари, мазкур Устав ва Банкнинг бошқа ички ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатлар (ҳуқуқлар) ва мажбуриятларга эга бўлади.

174. Банк Кузатув кенгаши ва бошқарувининг аъзолари ўз ҳуқуқларини амалга оширишда ва ўз мажбуриятларини бажаришда банкнинг манфаатларини кўзлаб иш тутиши ҳамда белгиланган тартибда жавобгар бўлиши лозим.

175. Банк Кузатув кенгаши ва бошқаруви аъзоларининг банк олдидаги жавобгарлиги қонунчиликка мувофиқ (масала юзасидан қарор қабул қилиш бўйича) бир нечта шахс жавобгарлигини назарда тутган бўлса солидар жавобгарлик ҳисобланади.

176. Банкка зарар етказилишига сабаб бўлган қарорга овоз беришда иштирок этмаган ёки ушбу қарорга қарши овоз берган, ўз эътирозларини билдирган Банк Кузатув кенгаши аъзолари, бошқарув аъзолари жавобгар бўлмайди.

177. Банк бошқарувини тузиш, мажлисларини ўтказиш ва қарорлар қабул қилиш тартиби акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан тасдиқланадиган низом билан тартибга солинади.

18. БАНК ФАОЛИЯТИНИ НАЗОРАТ ҚИЛИШ

178. Банкда ички аудит хизмати ташкил этилади. Ички аудит хизмати Банк Кузатув кенгашига ҳисобдордир.

179. The internal audit function of the Bank shall ensure compliance with applicable legislation and evaluate the performance of the Bank's Management Board, branches, and representative offices. This shall be achieved through inspections and monitoring to verify adherence to applicable laws, the Charter, and internal regulatory documents; ensure the completeness and accuracy of data reflected in accounting records and financial statements; enforce compliance with established rules and procedures for business operations; safeguard the Bank's assets; and uphold statutory requirements governing the Bank's management.

180. Employment contracts with employees of the internal audit function, as well as documents pertaining to the termination of such contracts, shall be executed on behalf of the Bank by the Chairman of the Supervisory Board or by a person duly authorized by the Supervisory Board, pursuant to a resolution of the Supervisory Board.

181. Internal audit function shall conduct its activities, including audits and monitoring, in strict compliance with applicable legislation, the Regulation "On the Internal audit function" as approved by the Supervisory Board of the Bank, and other internal regulatory acts of the Bank.

182. The reliability and accuracy of the information contained in the Bank's financial statements, including the balance sheet and the profit and loss account, which are presented to the General Meeting of Shareholders, shall be verified by an independent auditing organization that is not affiliated with the Bank or its shareholders by any proprietary interests.

183. The Bank shall engage an auditing organization for the purpose of conducting the annual audit and approving the annual financial statements. Decisions concerning the selection of the auditing organization, the maximum remuneration for its services, and the execution or termination of the agreement with the auditing organization shall be adopted by the General Meeting of Shareholders.

179. Банкнинг ички аудит хизмати банк бошқаруви, филиаллари ва ваколатхоналари томонидан конун ҳужжатларига, мазкур Уставга ва бошқа ҳужжатларга риоя этилишини, бухгалтерия ҳисобида ва молиявий ҳисоботларда маълумотларнинг тўлиқ ҳамда ишончли тарзда акс эттирилиши таъминланишини, хўжалик операцияларини амалга оширишнинг белгиланган қоидалари ва тартиб-таомилларига риоя этилишини, активларнинг сақланишини, шунингдек Банкни бошқариш юзасидан конун ҳужжатларида белгиланган талабларга риоя этилишини текшириш ҳамда мониторинг олиб бориш орқали Банк бошқаруви, филиаллари ва ваколатхоналари ишини назорат қилади ҳамда баҳолайди.

180. Ички аудит хизмати ходимдари билан тузиладиган меҳнат шартномаларини, улар билан тузилган шартномаларни бекор қилиш ҳақидаги ҳужжатларни Банк Кузатув кенгаши қарорига асосан Банк номидан Банк Кузатув кенгашининг раиси ёки Кузатув кенгаши ваколат берган шахс имзолайди.

181. Банкнинг ички аудит хизмати ўз фаолиятини, шунингдек ички аудит текширувларини ва мониторингини конун ҳужжатлари, Банк Кузатув кенгаши томонидан тасдиқланадиган «Ички аудит хизмати тўғрисида»ги Низом ва Банкнинг бошқа ички қоидаларига биноан амалга оширади.

182. Банкнинг молиявий ҳисоботида кўрсатилган ва акциядорларнинг умумий йиғилишига тақдим этиладиган молиявий ҳисоботдаги, бухгалтерия балансидаги, фойда ва зарарлар ҳисоботидаги маълумотларнинг ишончлилиги мулкӣ манфаатлари Банк ёки унинг акциядорлари билан боғлиқ бўлмаган аудиторлик ташкилоти томонидан тасдиқланган бўлиши керак.

183. Банк йиллик молия ҳисоботини ҳар йилги текшириш ва тасдиқлаш учун аудиторлик ташкилотини жалб этади. Аудитор ташкилотини белгилаш, ушбу ташкилотнинг хизматларига тўланадиган энг кўп ҳақ миқдори ва у билан шартнома тузиш (шартномани бекор қилиш) тўғрисида қарор акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан қабул қилинади.

184. The auditing organization shall conduct an audit of the Bank's financial and economic activities and shall provide the Bank with an audit report in accordance with the procedure established by applicable legislation and the terms of the agreement concluded with the auditing organization.

185. The auditing organization shall bear liability to the Bank for damages caused as a result of issuing an audit report containing inaccurate conclusions regarding the Bank's financial statements or other financial information.

186. The Bank shall establish the position of Corporate Consultant, who shall report to the Supervisory Board of the Bank and shall be responsible for overseeing compliance with corporate legislation.

187. The activities of the Corporate Consultant shall be conducted in accordance with regulations approved by the Supervisory Board of the Bank.

19. ACCOUNTING AND REPORTING OF THE BANK

188. The Bank is required to maintain its accounting records and prepare financial statements in strict compliance with the procedures prescribed by applicable legislation.

189. The Management Board of the Bank shall bear full responsibility for the organization, maintenance, and accuracy of the Bank's accounting records, the timely submission of the annual report and other financial statements to the relevant authorities, and the provision of information regarding the Bank's activities to shareholders and creditors. Such information shall be disclosed through the Bank's official website and other mass media channels as required.

190. The Bank's annual report shall undergo preliminary approval by the Supervisory Board no later than ten calendar days prior to the scheduled date of the Annual General Meeting of Shareholders.

191. The annual report of the Bank shall be formally approved at the Annual General Meeting of Shareholders.

184. Аудиторлик ташкилоти Банк билан тузилган шартномага мувофиқ қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Банк молия-хўжалик фаолиятининг текширилишини амалга оширади ва унга аудиторлик хулосасини тақдим этади.

185. Аудиторлик ташкилоти Банкнинг молиявий ҳисоботи ва молияга доир бошқа ахборот ҳақидаги нотўғри хулосани ўз ичига олган аудиторлик хулосаси тузилганлиги оқибатида етказилган зарар учун Банк олдида жавобгар бўлади.

186. Банкда Кузатув кенгашига ҳисобдор бўлган ва корпоратив қонун ҳужжатларига риоя этилиши устидан назорат қилиш вазифасини бажарувчи корпоратив маслаҳатчиси лавозими жорий этилиши мумкин.

187. Банк корпоратив маслаҳатчисининг фаолияти Банк Кузатув кенгаши томонидан тасдиқланган низом асосида амалга оширилади.

19. БАНКНИНГ ҲИСОБИ ВА ҲИСОБОТИ

188. Банк қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда бухгалтерия ҳисобини юритиши ва молиявий ҳисобот тақдим этиши шарт.

189. Банкда бухгалтерия ҳисобининг ташкил этилиши, ҳолати ва ишончлилиги, тегишли органларга ҳар йилги ҳисобот ва бошқа молиявий ҳисоботлар, шунингдек Банкнинг расмий веб-сайтида ва оммавий ахборот воситаларида акциядорларга, кредиторларга тақдим этиладиган Банк фаолияти тўғрисидаги маълумотлар ўз вақтида тақдим этилиши учун жавобгарлик Банк бошқарувининг зиммасида бўлади.

190. Банкнинг йиллик ҳисоботи акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши ўтказиладиган санадан ўн кундан кечиктирмай Банк Кузатув кенгаши томонидан дастлабки тарзда тасдиқланиши лозим.

191. Банкнинг йиллик ҳисоботи акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишида тасдиқланади.

192. The financial year of the Bank shall commence on the first of January and conclude on the thirty first of December of the same year.

193. The Bank shall ensure mandatory disclosure of information in the scope, timelines, and manner established by applicable legislation, and it shall also publish information relating to the securities it has issued.

194. The Bank shall disclose information concerning its financial and operational activities in accordance with the procedures and timelines stipulated by applicable legislation.

195. The Bank shall ensure the proper organization, classification, and utilization of documents generated during the course of its banking activities.

196. The Bank shall ensure the retention of documents in the manner and for the periods specified by applicable legislation.

20. REORGANIZATION AND LIQUIDATION OF THE BANK

197. The reorganization of the Bank may be conducted in the forms of merger, acquisition, division, separation, or transformation, pursuant to a resolution of the General Meeting of Shareholders and with the prior authorization of the Central Bank of the Republic of Uzbekistan, in compliance with applicable competition legislation.

The reorganization of the Bank may also be initiated upon the directive of the Central Bank.

198. The basis for submitting an application to the Central Bank for authorization of the Bank's reorganization shall be the existence of a valid resolution adopted by the General Meeting of Shareholders.

199. In the event that the Central Bank denies authorization for the reorganization of the Bank, the resolution of the General Meeting of Shareholders regarding the Bank's reorganization shall be deemed null and void.

200. Upon obtaining authorization from the Central Bank to reorganize the Bank in the forms of merger, division, or separation, the necessary organizational and technical measures required for state registration

192. Банкнинг молиявий йили биринчи январь кунидан бошланади ва ўттиз биринчи декабрда тугайди.

193. Банк ошкор этилиши мажбурий бўлган ахборотни қонун ҳужжатларида белгиланган ҳажмда, муддатларда ва тартибда амалга оширади, шунингдек ўзи томонидан эмиссия қилинадиган қимматли қоғозларга тегишли бўлган ахборотни эълон қилади.

194. Банк ўз молия-хўжалик фаолияти тўғрисидаги маълумотларни қонунчиликда ўрнатилган тартибда ва муддатларда ошкора қилади.

195. Банк ўз фаолияти давомида шаклланадиган ҳужжатларнинг лозим даражада ҳисобга олиниши, сафланиши ва ундан фойдаланилишини таъминлайди.

196. Банк қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ва муддат мобайнида ҳужжатларнинг сақланишини таъминлайди.

20. БАНКНИ ҚАЙТА ТАШКИЛ ЭТИШ ВА ТУГАТИШ

197. Банкни қайта ташкил этиш рақобат тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг талаблари ҳисобга олинган ҳолда, акциядорлар умумий йиғилишининг қарорига мувофиқ қўшиб юбориш, қўшиб олиш, бўлиш, ажратиб чиқариш ва ўзгартириш шаклида Марказий банкнинг рухсати билан амалга оширилади.

Банкни қайта ташкил этиш Марказий банкнинг талабига биноан ҳам амалга оширилиши мумкин.

198. Акциядорлар умумий йиғилишининг Банкни қайта ташкил этиш тўғрисидаги қарори мавжудлиги Банкни қайта ташкил этиш учун рухсатнома олиш тўғрисида Марказий банкка ариза бериш учун асос бўлади.

199. Марказий банк Банкни қайта ташкил этишни рад этган тақдирда, акциядорлар умумий йиғилишининг Банкни қайта ташкил этиш тўғрисидаги қарори ҳақиқий эмас деб ҳисобланади.

200. Банкни қўшиб юбориш, бўлиш, ажратиб чиқариш шаклида қайта ташкил этиш учун Марказий банкнинг рухсатномаси олинганидан кейин қайта ташкил этиш учун Марказий банкнинг рухсатномаси олинганидан кейин

and the issuance of licenses to each newly created bank shall be undertaken. 201. Authorization by the Central Bank for the Bank's reorganization shall not constitute a guarantee of state registration or the issuance of licenses to the banks formed as a result of the reorganization. 202. The reorganized Bank shall be obligated to complete the reorganization process within six months from the date of receiving authorization for reorganization. 203. The state registration and issuance of licenses to the banks established as a result of the reorganization shall be carried out in accordance with the procedures prescribed by the Central Bank. 204. The procedure for the Bank's reorganization shall be determined by the Central Bank. 205. The termination of the Bank's operations and its liquidation may be conducted either voluntarily or compulsorily (in the event of the revocation of the Bank's license by the Central Bank). 206. The grounds for the termination of the Bank's operations and its liquidation shall include: - a resolution of the General Meeting of Shareholders of the Bank to voluntarily liquidate the Bank; - a decision by the Board of the Central Bank to compulsorily liquidate the Bank. 207. The procedure for the termination of the Bank's operations and its liquidation, including voluntary liquidation, shall be established by the Central Bank. 208. The liquidation of the Bank shall be deemed completed, and the Bank shall be considered dissolved, on the date of the entry of the corresponding record in the State Register of Banks.	қайта ташкил этиш натижасида янгидан вужудга келадиган ҳар бир банкни давлат рўйхатидан ўтказиш ва лицензия олиш учун зарур ташкилий-техник тадбирлар бажарилади. 201. Банкни қайта ташкил этиш учун Марказий банкнинг рухсатномаси олинганлиги қайта ташкил этилиши натижасида вужудга келадиган банкларни давлат рўйхатидан ўтказиш ва уларга лицензия бериш учун кафолат бўлмайди. 202. Қайта ташкил этилаётган банк қайта ташкил этиш жараёнини Марказий банкнинг рухсатномаси олинган кундан эътиборан олти ой ичида тамомлаши шарт. 203. Қайта ташкил этиш натижасида янгидан юзага келган банкларни давлат рўйхатидан ўтказиш ва уларга лицензия бериш Марказий банк томонидан белгиланган тартибда амалга оширилади. 204. Банкни қайта ташкил этиш тартиби Марказий банк томонидан белгиланади. 205. Банкнинг фаолиятини тугатиш ва Банкни тугатиш ихтиёрий ёки мажбурий (Марказий банк томонидан лицензия чақириб олинганда) шаклда амалга оширилиши мумкин. 206. Банкнинг фаолиятини тугатиш ва Банкни тугатиш учун: - Банк акциядорлари умумий йиғилишининг банкни ихтиёрий тугатиш тўғрисидаги қарори; - Марказий банк бошқарувининг банкни мажбурий тугатиш ҳақидаги қарори асос бўлади. 207. Банкнинг фаолиятини тугатиш ва банкни тугатиш, шу жумладан, ихтиёрий шаклда тугатиш тартиби Марказий банк томонидан белгиланади. 208. Банкни тугатиш Банкларнинг давлат реестрига тегишли ёзув киритилган кундан эътиборан тамомланган деб ва банк тугатилган деб ҳисобланади.
21. FINAL PROVISIONS	21. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР

209. The Bank shall ensure the protection of information constituting state and banking secrets within the scope of its competence and in strict compliance with the tasks entrusted to it.

210. Any amendments and additions to this Charter, adopted by resolution of the General Meeting of Shareholders or within the authority of the Supervisory Board, shall be duly registered with the Central Bank of the Republic of Uzbekistan.

211. The revised version of the Charter shall take effect upon its official state registration. The Charter of the Bank, previously registered with the Central Bank on March 1, 2024, under No. 84, together with all amendments thereto arising from the adoption of the present Charter, shall be deemed null and void.

212. In the event that any provision of this Charter is rendered invalid, such invalidity shall not affect the enforceability or applicability of the remaining provisions.

213. Should the applicable legislative acts of the Republic of Uzbekistan prescribe provisions that differ from those contained in this Charter, the provisions of the said legislative acts shall prevail.

214. Matters not expressly addressed in this Charter shall be governed by the legislation of the Republic of Uzbekistan.

215. In the application and interpretation of the provisions set forth in this Charter, the version in Uzbek language shall take precedence.

209. Ўз ваколати доирасида ва Банкка юклатилган вазифаларга мувофиқ Банк давлат, банк сири ва амалдаги қонунчилик ҳужжатларига кўра махфий ахборот ҳисобланадиган маълумотларни ҳимоя қилинишини таъминлайди.

210. Акциядорларнинг умумий йиғилиши ва ўз ваколатлари доирасида Банк Кузатув кенгаши томонидан мазкур Уставга киритиладиган барча ўзгартириш ва қўшимчалар Ўзбекистон Республикасининг Марказий банкида белгиланган тартибда рўйхатга олинади.

211. Банкнинг янги таҳрирдаги Устави давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан бошлаб кучга киради. Мазкур Устав қабул қилиниши муносабати билан Марказий банк томонидан 2024 йил 1-март 84-сон билан рўйхатга олинган банк устави ва унга киритилинган барча ўзгартиришлар ўз кучини йўқотган деб ҳисобланади.

212. Агар мазкур Уставнинг бирор бир қоидаси ўз кучини йўқотган бўлса, бу қоида бошқа қоидаларни тўхтатиш учун сабаб бўлмайди.

213. Агар Ўзбекистон Республикасининг қонунчилик ҳужжатларида мазкур Уставда назарда тутилганидан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилик ҳужжатлари қоидалари қўлланилади.

214. Мазкур Уставда тартибга солинмаган муносабатлар Ўзбекистон Республикасининг қонунчилиги билан тартибга солинади.

215. Мазкур Уставда назарда тутилган қоидаларни қўллашда ўзбек тилидаги матнга устунлик берилади.

THE JOINT-STOCK COMPANY "POYTAKHT BANK" SOLE SHAREHOLDER RESOLUTION No.1
«ПОЙТАХТ БАНК» АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ ЯГОНА АКЦИЯДОРНИНГ 1-СОҢЛИ ҚАРОРИ
РЕШЕНИЕ ЕДИНСТВЕННОГО АКЦИОНЕРА АКЦИОНЕРНОГО ОБЩЕСТВА «ПОЙТАХТ БАНК» № 1

Tashkent city

31 December, 2024

Тошкент шаҳри

«31» декабрь 2024 й.

город Ташкент

«31» декабря 2024 г.

100,000,000 units (100%) of common shares of JSC "POYTAKHT BANK" are owned by BOND INVESTMENT LIMITED LLC.

«ПОЙТАХТ БАНК» АЖнинг барча 100 000 000 дона (100 фоиз) оддий акциялари BOND INVESTMENT LIMITED LLCга тегишлидир.

100 000 000 шт. (100%) простых акций АО «ПОЙТАХТ БАНК» принадлежат BOND INVESTMENT LIMITED LLC.

The agenda:

1. On approval of the Charter of JSC "POYTAKHT BANK" in a new edition;
2. On approval of the new organizational structure of JSC "POYTAKHT BANK";
3. On premature termination of the powers of the current Supervisory Board of JSC "POYTAKHT BANK";
4. On the election of a new composition of the Supervisory Board of JSC "POYTAKHT BANK";
5. On termination of the obligation of the Bank to adhere to the recommendations of Corporate Governance Code and Rules prescribed for the enterprises with state participation;
6. On selection of an audit organization for conducting a mandatory audit of the financial and economic activities of the JSC "POYTAKHT BANK".

Кун тартиби:

1. «ПОЙТАХТ БАНК» АЖнинг уставини янги таҳрирда тасдиқлаш тўғрисида;
2. «ПОЙТАХТ БАНК» АЖнинг янги ташкилий тузилмасини тасдиқлаш тўғрисида;
3. «ПОЙТАХТ БАНК» АЖ Кузатув кенгашининг амалдаги таркиби ваколатларини муддатидан олдин тугатиш тўғрисида;
4. «ПОЙТАХТ БАНК» АЖ Кузатув кенгаши аъзоларининг янги таркибини сайлаш тўғрисида;
5. Давлат иштирокидаги корхоналар учун Корпоратив бошқарув кодекси ва Корпоратив бошқарув қоидаларининг тавсияларига амал қилиш мажбуриятини бекор қилиш тўғрисида;
6. «ПОЙТАХТ БАНК» АЖ молия-хўжалик фаолиятини мажбурий аудит текширувидан ўтказиш учун аудиторлик ташкилотини белгилаш.

Повестка дня:

1. Об утверждении устава АО «ПОЙТАХТ БАНК» в новой редакции;
2. Об утверждении новой организационной структуры АО «ПОЙТАХТ БАНК»;
3. О досрочном прекращении полномочий действующего состава Наблюдательного совета АО «ПОЙТАХТ БАНК»;
4. Об избрании нового состава Наблюдательного совета АО «ПОЙТАХТ БАНК»;
5. О прекращении обязательства следовать рекомендациям Кодекса и Правилам корпоративного управления для предприятий с государственным участием;
6. Определение аудиторской организации для проведения обязательной аудиторской проверки финансово-хозяйственной деятельности АО «ПОЙТАХТ БАНК».

On the agenda items:

1. The new edition of the charter of JSC "POYTAKHT BANK" (hereinafter referred to as the Bank) has been developed in accordance with the current legislation of the Republic of Uzbekistan and defines the competencies of the Bank's governing bodies. In accordance with Article 59 of the Law "On Joint-Stock Companies and Protection of Shareholders' Rights" (hereinafter referred to as the Law), the authority to approve the charter in a new edition belongs to the General Meeting of Shareholders.

2. In accordance with Article 59 of the Law, the authority to approve the organizational structure of the joint-stock company belongs to the General Meeting of Shareholders.

3. The current composition of the Supervisory Board was elected by the decision of the sole shareholder dated from 29 April, 2022. Taking into account the change of the shareholder, in order to elect a new composition of the Supervisory Board of the Bank, it is necessary to terminate the powers of the current composition of this body.

4. According to Article 76 of the Law, the members of the Supervisory Board of the company are elected by the General Meeting of Shareholders for a period of three years in accordance with the procedures prescribed by Law and the charter of the company.

Кун тартибдаги масалалар бўйича:

1. «ПОЙТАХТ БАНК» АЖ (кейинги ўринларда Банк деб юритилади) уставининг янги таҳрири Банк бошқарув органларининг ваколатларини аниқлаштириш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигини ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқилган. Ўзбекистон Республикасининг «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонунининг (кейинги ўринларда Қонун деб юритилади) 59-моддаси талабларига мувофиқ уставни янги таҳрирда тасдиқлаш масаласи акциядорлар умумий йиғилишининг ваколатига киради.

2. Қонунининг 59-моддасига мувофиқ жамиятнинг ташкилий тузилмасини тасдиқлаш акциядорлар умумий йиғилишининг ваколатига киради.

3. Кузатув кенгашининг амалдаги таркиби ягона акциядорнинг 2022 йил 29-апрелдаги қарори билан сайланган. Акциядор ўзгарганлигини ҳисобга олиб, Банк Кузатув кенгашининг янги таркибини сайлаш учун ушбу органнинг амалдаги таркиби ваколатларини тугатиш зарур.

4. Қонунининг 76-моддасига кўра, жамият кузатув кенгаши аъзолари қонун ва жамият уставида белгиланган тартибда акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан уч йил муддатга сайланади.

По вопросам повестки дня:

1. Новая редакция устава АО «ПОЙТАХТ БАНК» (далее по тексту – Банк) разработана с учетом действующего законодательства Республики Узбекистан в целях уточнения компетенций органов управления Банка. В соответствии с требованиями ст.59 Закона Республики Узбекистан «Об акционерных обществах и защите прав акционеров» (далее по тексту – Закон) вопрос утверждения устава в новой редакции относится к компетенции общего собрания акционеров.

2. Согласно ст.59 Закона вопрос утверждения организационной структуры общества относится к компетенции общего собрания акционеров.

3. Действующий состав Наблюдательного совета избран решением единственного акционера от «29» апреля 2022 года. Принимая во внимание смену акционера для избрания нового состава Наблюдательного совета Банка необходимо прекратить полномочия действующего состава данного органа.

4. Согласно ст.76 Закона члены наблюдательного совета общества избираются общим собранием акционеров в порядке, предусмотренном Законом и уставом общества, сроком на три года.

5. Taking into consideration the absence of a state share in the charter capital of the Bank, it is advisable to terminate the obligation of the Bank to follow the recommendations of the Corporate Governance Rules for enterprises with state participation. The mechanism for evaluating the corporate governance system, in particular, the questionnaire on the basis of which the assessment is conducted has not been finalized. It is more appropriate at the stage of direct implementation of the recommendations of the Corporate Governance Code and does not reflect the current situation in most areas of corporate activity. The Bank strives to follow the best international corporate governance practices in its activities.

6. In accordance with the requirements of Article 59 of the Law and the Charter of the Bank, the authority to select an audit organization for conducting a mandatory (annual) audit of the Bank's financial statements belongs to the General Meeting of Shareholders. The winner of the selection is the audit organization "GRANT THORNTON" LLC.

Decisions taken by the sole shareholder:

1.1. To amend and approve the Charter of the Bank in its revised version as set forth in Annex No. 1 to this resolution;

5. Банкнинг устав капиталида давлат улуши мавжуд эмаслигини ҳисобга олган ҳолда, Давлат иштирокидаги корхоналар учун корпоратив бошқарув қоидаларининг тавсияларига амал қилиш мажбуриятини бекор қилиш тавсия этилади. Корпоратив бошқарув тизимини баҳолаш механизми, хусусан, ушбу баҳолаш ўтказиладиган сўровнома якуний шакллантирилмаган ва Корпоратив бошқарув кодекси тавсияларини бевосита амалга ошириш босқичида кўпроқ мос келади ҳамда корпоратив фаолиятнинг бир қатор йўналишларидаги мавжуд вазиятни акс эттирмайди. Банк ўз фаолиятида корпоратив бошқарувнинг илғор халқаро тажрибаларига амал қилишга интилади.

6. Қонуннинг 59-моддаси талаблари ва Банк уставига мувофиқ, Банкнинг мажбурий (йиллик) аудиторлик текширувини ўтказиш учун аудиторлик ташкилотини белгилаш масаласи акциядорлар умумий йиғилиши ваколатига қиради. Танлов ғолиби «GRANT THORNTON» МЧЖ аудиторлик ташкилоти ҳисобланади.

Ҳисобот қабул қилинган қарорлар:

1.1. Банк уставига ўзгартиришлар киритилсин ва устав мазкур қарорнинг 1-иловасига мувофиқ янги таҳрирда тасдиқлансин;

5. Принимая во внимание отсутствие доли государства в уставном капитале Банка целесообразно прекратить обязательство следования рекомендациям Правил корпоративного управления для предприятий с государственным участием. Механизм оценки системы корпоративного управления, в частности воросник, на основе которого проводится данная оценка, не доработан и более уместен на этапе непосредственной реализации рекомендаций Кодекса корпоративного управления, а также не отражает действующего положения по ряду направлений корпоративной деятельности. Банк в своей деятельности стремится следовать лучшим международным практикам корпоративного управления.

6. В соответствии с требованиями ст.59 Закона и уставом Банка вопрос определения аудиторской организации для проведения обязательного (годового) аудита финансовой отчетности Банка относится к компетенции общего собрания акционеров. Победителем отбора является аудиторская организация ООО «GRANT THORNTON».

Принятые единственным акционером решения:

1.1. Внести изменения и утвердить устав Банка в новой редакции согласно Приложению №1 к настоящему решению;

1.2. The Bank (K.U. Rakhmatov) shall ensure the registration of the revised Charter in accordance with the procedure established by law.

2.1. To approve the new organizational structure of the Bank in accordance with Annex No. 2 to this resolution;

3.1. Prematurely terminate the powers of the current composition of the Supervisory Board of the Bank;

4.1. To appoint the following members of the Supervisory Board of the Bank for a term of three years from the date of election:

- Vakhobov Farrukh Abdurakhimovich – Board Member;
- Mhd Waseem Khayata – Board Member;
- Aftab Shaukat – Board Member;
- Shokirov Farkhod Mansur ugli – Board Member;
- Bakhadirov Ulugbek Khodjiturevich – Board Member.

5.1. To terminate the Bank's obligations to follow the recommendations of the Corporate Governance Code and Rules prescribed for the enterprises with state participation.

6.1. To select the audit organization GRANT THORNTON LLC to conduct a mandatory audit of the financial and economic activities of the Bank by the end of 2024, with an upper limit on remuneration for its services set at 300,0 (three hundred) million UZS.

1.2. Банк (Х.У.Рахматов) томонидан уставни янги тахрирда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилиши таъминлансин.

2.1. Банкнинг янги ташкилий тузилмаси мазкур қарорнинг 2-илоvasига мувофиқ тасдиқлансин;

3.1. Банк Кузатов кенгашининг амалдаги таркиби ваколатлари муддатидан олдин тугатилсин.

4.1. Банк Кузатов кенгашининг куйидаги аъзоларининг ваколатлари сайланган кундан бошлаб уч йил муддатга сайлансин:

- Вахабов Фаррух Абдурахимович – Кузатов Кенгаши аъзоси;
- Мхд Васим Хайата – Кузатов Кенгаши аъзоси;
- Афтаб Шаукат – Кузатов Кенгаши аъзоси;
- Шокиров Фарход Мансур ўғли – Кузатов Кенгаши аъзоси;
- Бахадиров Улугбек Ходжитураевич – Кузатов Кенгаши аъзоси.

5.1. Банкнинг давлат иштирокидаги корхоналар учун Корпоратив бошқарув кодекси ва Корпоратив бошқарув қоидаларининг тавсияларига амал қилиш бўйича мажбуриятлари бекор қилинсин.

6.1. Банкнинг 2024 йил якунлари бўйича молиявий-хўжалик фаолиятини мажбурий аудиторлик текширувидан ўтказиш учун «GRANT THORNTON» МЧЖ аудиторлик ташкилоти танлансин ва унинг хизматига тўланадиган энг кўп миқдори 300,0 (уч юз) миллион сўм этиб белгилансин.

1.2. Банку (Х.У.Рахматову) обеспечить регистрацию устава в новой редакции в установленном законодательством порядке.

2.1. Утвердить новую организационную структуру Банка согласно Приложению №2 к настоящему решению;

3.1. Досрочно прекратить полномочия действующего состава Наблюдательного совета Банка;

4.1. Избрать следующий состав Наблюдательного совета Банка сроком их полномочий три года с даты избрания:

- Вахабов Фаррух Абдурахимович – Член Наблюдательного Совета;
- Мхд Васим Хайата – Член Наблюдательного Совета;
- Афтаб Шаукат – Член Наблюдательного Совета;
- Шокиров Фарход Мансур угли – Член Наблюдательного Совета;
- Бахадиров Улугбек Ходжитураевич – Член Наблюдательного Совета.

5.1. Прекратить обязательства Банка следовать рекомендациям Кодекса корпоративного управления и Правил корпоративного управления для предприятий с государственным участием.

6.1. Определить аудиторскую организацию ООО «GRANT THORNTON» для проведения обязательной аудиторской проверки финансово-хозяйственной деятельности Банка по итогам 2024 года, с предельным размером оплаты ее услуг – 300,0 (три ста) миллионов сум.

6.2. The Bank (K.U. Rakhmatov) shall conclude a corresponding agreement with the auditing organization GRANT THORNTON LLC.

6.2. Банк (Х.У.Рахматов) томонидан «GRANT THORNTON» МЧЖ аудиторлик ташкилоти билан тегишли шартнома тузилсин.

6.2. Банку (Х.У.Рахматову) заключить с аудиторской организацией ООО «GRANT THORNTON» соответствующий договор.

BOND INVESTMENT LIMITED LLC





No 24-14/309
« 17 » 03 2025 yil


O'zbekiston Respublikasining
Markaziy bankiga

“Poytaxt Bank” aksiyadorlik jamiyati Yagona aksiyadorining 2024 yil
31-dekabrdagi 1-sonli qaroriga asosan yangi tahrirda tasdiqlangan bank Ustavi
ro'yxatga olish uchun yuborilmoqda.


Ilova:

- 1) “Poytaxt Bank” aksiyadorlik jamiyati Yagona aksiyadorining 2024 yil
31-dekabrdagi 1-sonli qarori 2-nusxada;
- 2) “Poytaxt Bank” aksiyadorlik jamiyatining Ustavi 2-nusxada;

Boshqaruv raisi v.b



D.Abjalov



18 MAR 2025

Tikilgan va raqamlangan

52 (*ellik ikki*)

varaqdan iborat

2025-yil

15 aprel

Imzo

